



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

7 (543) ● 2019 йил 20 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## СИРДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ, МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ МАНЗИЛИ СИФАТИДА НАМУНА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 19 февраль куни Сирдарё вилоятига ташир буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 апрелда Сирдарёга ташири давомидида берилган топшириқлар ва Сайхунобод туманида ўтган йиғилиш якунига асосан вилоятни 2018-2019

йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги тармоқларида қиймати 6,3 триллион сўмлик 302 та лойиҳа амалга оширилиб, 15 минг 458 янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган эди.

Президентимиз вилоятга бу галги таширини Сирдарё туманидаги "Сирдарё универсал ойна" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишишдан бошлади. "Сирдарё" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ташкил этилган мазкур корхонада фармацевтика ва озиқ-овқат саноати

учун шиша идишлар ишлаб чиқарилади. Ўтган йил июнь ойида фаолият бошлаган корхонада қиймати 50,1 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз фармацевтика саноатига шу пайтгача ҳар йили 4 миллион долларлик шиша флаконлар импорт қилинар эди. Ушбу корхона ишга тушгач, юртимиз фармацевтика корхоналарига шиша идишлар етказиб бериш имконияти кенгайди.

2-бет →

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

### ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги "Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш

бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5552-сон фармонида мувофиқ эксперимент тариқасида 444 та бўш турган давлат кўчмас мулк объекти 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича электрон савдо майдончасида аукционга чиқарилиб, шундан 310 та объект 172 миллиард сўм инвестиция киритиш ҳамда 3 536 та янги иш ўрни яратиш шарти билан 11,2 миллиард сўмга сотилгани маълум

мот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги "Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик

субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5552-сон фармонида белгиланган давлат мулки объектларини сотиш тартибини соддалаштириш бўйича эксперимент ўтказиш мuddатини 2020 йил 1 январга қадар узайтириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

3-бет →

## Фракция фаолияти

### ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди ҳамда бир қанча қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига доир шикоят, муурожаатларни кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Омбудсман фаолиятининг энг муҳим йўналишларидандир. Унинг бу борадаги фаолияти йилдан-йилга янада такомиллашиб, фуқаролар муурожаатларини ижобий ҳал қилишдаги иштироки кенгайиб бораётди.

4-бет →



## Кенгайтирилган йиғилиш

### БУГУНГИ САЙЛОВЧИ ҚУРУҚ ВАЪДАЛАРГА ИШОНМАЙДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Унда партия ташкилотлари ва гуруҳларининг 2018 йилги фаолияти танқидий таҳлил этилиб, 2019 йилги режалар белгилаб олинаётди. ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов иштирок этди.

Йиғилишда партия Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров ўтган йил якунлари ва жорий йил режалари бўйича ахборот берди:

— ЎзМТДП Тошкент вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда барча

даражадаги депутатлар 2018 йилда ҳудудларни ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳамда амалий ишларда фаол иштирок этишга ин-

тидилар. Жумладан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фуқаролар муурожаатлари ва ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан 555 депутатлик сўровини амалга оширди. Шундан 448 таси ижобий ҳал этилди. 86 сўровни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. 14 сўров эса мутасаддилар эътиборсизлиги сабабли жавобсиз қолган. Йил давомида партия гуруҳларимиз ташаббуси билан 50 мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди, маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялари йиғилишларида 49

таклиф илгари сурилди, сессияларга 33 масала киритилиб, қарорлар қабул қилинди. Ҳисобот даврида биргина халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи сессияларга 5 ташаббус-масала киритган бўлса, халқ депутатлари Зангиота, Тошкент, Янгийўл, Оҳангарон, Чиноз туманлари ва Оҳангарон шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз эса бирорта ҳам масалани олиб чиқа олмагани таассуфланарлидир.

5-бет →

## Сайлов — демократия кўзгуси

### ХАЛҚНИ ЎЙЛАГАННИ — ХАЛҚ САЙЛАЙДИ!

Миллий сайлов қонунчилигимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида мураккаб ва серқирра йўлни босиб ўтди, синовларда тобланди. Бу жараён миллий тажриба, халқаро андозалар, ислохотлар шиддати, жамиятда сиёсий-ҳуқуқий онгининг ўсишига мос тарзда босқичма-босқич ривожланиб, юксалиб борди. Ва у вақт ўтиши билан тобора такомиллашиши шубҳасиз.

Бугунги кунда сайловга доир Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ташқари 5 қонун қабул қилинган. Бироқ бугунги тажриба амалдаги сайлов қонунчилигининг тарққлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир қатор мураккабликларни туғдиради, фуқароларимиз томонидан уларни ўзлаштиришни қийинлаштириб, қонун меъёрларининг асоссиз такрорланишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, сайлов жараёни ва уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор қоидалар қонун даражасида эмас, балки Марказий сайлов комиссиясининг низоом ҳамда йўриқномалари асосида тартибга солинган. Шунингдек, амалдаги қонунларда сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантиришга оид қоидалар назарда тутилмаган.

Президентимиз таъкидлаганидек, Экоҳаракат вакилларининг парламент қўйи палатасига квота асосида киритилиши унинг фаоллиги ва ташаббускорлигини муайян даражада сусайтиради.

4-бет →

## Кўрик-танлов

### НАВОИЙГА МУҲАББАТ фарзандларни комилликка етаклайди

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ташкил этилган "Навоий ворислари" кўрик-танловининг республика босқичи ниҳоясига етди. Кўтаринки руҳда бўлиб ўтган танлов замирида ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси ижодида ҳурмат ва эҳтиром, янги истеъдодларни кашф этиш, уларни рағбатлантириш каби эзгу мақсад мужжасам.

Танловнинг республика босқичида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Сарвар Отамуратов, Навоий вилоят ҳокими Қобилжон Турсунов улуғ шоир асарларидаги инсонпарварлик, адолатпарварлик, комил инсон тарбияси, эл-юрт фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиш сингари гоёлар ёшлар тарбияси ва камолотида муҳим аҳамиятга эга эканлигини, бу ҳаётбахш меросни изчил ўрганиш, янада теранроқ англашда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мазкур лойиҳаси ўзига хос ўрин тутишини таъкидлади.

— Алишер Навоий адабий мероси — бебаҳо маънавий хазина, — деди Сарвар Отамуратов. — Шу боис буюк мутафаккирнинг беназир шахси ҳамиша эъзоз ва эътиборда.

4-бет →

## Ҳисобон

### "МЕН РОЛЬ ЎЙНОЛМАЙМАН, АКСИНЧА, УНДА ЯШАЙМАН..."

Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Деманг юрибдику кулиб, жилмайиб. Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин, Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Гар кўзлари кулиб турса-да, Бўғзининг остида неча минг ҳасрат, Ой юзлари кулиб турса-да...



Шоира Зулфия Мўминованин ушбу шеъри Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсуповага бағишлаб ёзилган. Ушбу шеърда эл севган серқирра санъаткор тимсолида ўзбек аёлининг асл қиёфаси, сабру бардоши ёрқин гавдаланади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки Тўти Юсуповада ўзбек аёлига хос қалбу қиёфа, сабру матонат, тоғдек бардош, вафо-ю садоқат, поклик ва маҳорату истеъдод тўлиқ мужжасам.

8-бет →



"Milliy tiklanish" газетасини [www.milliytiklanish.uz](http://www.milliytiklanish.uz) сайтида, шунингдек, [fb.com/milliytiklanish](https://fb.com/milliytiklanish), [t.me/milliytiklanish\\_uz](https://t.me/milliytiklanish_uz) ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда!

"Milliy tiklanish" — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158



# СИРДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ, МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ МАНЗИЛИ СИФАТИДА НАМУНА БЎЛАДИ

## < Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Марказий Осиёда ягона ушбу корхонада айни пайтда 100дан ортиқ турдаги шиша идишлар тайёрланмоқда. Корхонага Германия, Чехия ва Францияда ишлаб чиқарилган энг замонавий технологиялар ўрнатилган, ишлаб чиқаришда тўлиқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади.

Жорий йилдан тўла қувват билан ишлайдиган корхонада йилига 102 миллион дона шиша идиш ишлаб чиқарилади, 2 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш кутилмоқда. Корхонада 450 киши иш билан таъминланган.

Президентимиз шиша идишлар ишлаб чиқариш жараёни, тайёрланаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Шу ерда "Сирдарё универсал ойна" корхонаси томонидан кластер усулида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

ятда етиштирилаётган мева-сабзавотларни қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш имконини беради.

Шу ернинг ўзида вилоятда инвестиция маблағлари асосида фармацевтика, тўқимачилик, электротехника маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, Фарҳод ГЭСини модернизация қилиш, Сардоба сув омбори қошида кичик ГЭС қуриш лойиҳалари, "Сирдарё голден фрутс" МЧЖ томонидан туманда ташкил этилган кўп тармоқли логистика маркази тақдимотлари ўтказилди.

Мамлакатимизнинг Хитой, Италия ва Қозоғистон давлатларидаги элчилари вилоятга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш, худудлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва экспорт ҳажмини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳақида маълумот берди.

Давлатимиз раҳбари вилоят иқти-

соширишга қаратилган янги режалар уларнинг ҳаётга муносабатини ўзгартираётганидан мамнуллигини қайд этдилар.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари тумандаги "GRAN RUTA DE LA SEDA" корхонаси томонидан замонавий усулда ташкил этилган гидропоника иссиқхона мажмуасини кўздан кечирди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча худудларида гидропоника усулида иссиқхоналар қурилмоқда. Бу эса сифатли полиз маҳсулотлари етиштириш, кўплаб иш ўринлари яратиш имконини бераётди. Мутахасссларнинг фикрича, оддий усулда етиштирилаётган помидор кўчатларидан 3 килограмм ҳосил олинса, гидропоника усулида ҳосилдорлик 12 килограммгача етади. Экинларнинг пишиб етилиши 25-30 кунга қисқаради.

Мазкур иссиқхоналарда Голландиядан серҳосил помидор ва бодринг навлари келтирилиб экилган.

ишлатишда қўл келади, инвесторлар қизиқишини оширади. Бу жуда рентабелли, истиқболли лойиҳа, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарига корхонанинг иқтисодий самарадорлиги, қурилиш ишлари жадвали ҳақида маълумот берилди. Президентимиз завод маҳсулотлари ички талабни қондириш ва ташқи бозорга чиқишда муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Сирдарё вилоятига ташрифи доирасида Мирзаобод туманидаги "Бек кластер" масъулияти чекланган жамият шаклидаги кўшма корхона томонидан ташкил этилган пахта ишлаш заводи фаолияти билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган ходимлар билан мулоқот қилди.

2018 йилда Туркиянинг "SUMER" компанияси билан ҳамкорликда фойдаланишга топширилган заводда йилига 60 минг тонна пахта қайта

имконини беради.

Шу ерда қорабайир отлари, қорамол, эчки, туяқуш, қуён ва бедана зотлари намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари бу жониворларнинг маҳсулдорлиги, тез кўпайиши, улар ҳар бир оила учун зарурлигига эътибор қаратди. Уй шароитида чорва ва парранда боқишни кўпайтириб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қўшимча даромад билан таъминлаш мумкинлигини таъкидлади.

Гулистон шаҳри кун сайин чирой очмоқда. Янги уйлар, иншоотлар, равон кўчалар, сайилгоҳлар, маҳалларда амалга оширилаётган ободлик ишлари ҳавасга арзигулик.


Бу манзара Гулистоннинг "Буюк келажак" мавзесида янада ёрқин намоеъ бўлади. Янги мавзеда 2018 йили намунали лойиҳа асосида 5 қаватли 8 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилди, 360 оила уйли бўлди. "Буюк келажак"да яна 7 қаватли, 420 хонадондан иборат 10 та уй

да марказий китоб дўкони ташкил этиш ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш концепцияси ҳам тақдим қилинди.

Маънавиятимиз, гурур-ифтихоримиз биринчи ўринга чиқадиган вақт келди. Фарзандларимизни ана шундай етук авлод қилиб тарбиялаш учун барчамиз масъулмиз. Биз бунинг учун маблағ ва вақтни аямаймиз, бор имкониятимизни ишга солаемиз, деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, иқтисодий шароитни яхшилаш кўп эзгу ишлар дебачаси экани, рўзғори бут, оиласидан хотиржам киши, эртанги кундан умиди катта ёшлар маънавияти ҳам юксалиб бориши, шундагина китоб ўқишга ҳавас ортиши қайд этилди.

Вилоятда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини ривожлантириш, ишсиз ёшлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари бандлигини таъминлаш, кўп қаватли уйлар, спорт иншоотлари қуриш, маънавий тарбия ва китоб-



Корхона ёнида "Сирдарё гласс" МЧЖ томонидан янги технология асосида бир вақтнинг ўзида фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун уч хил рангли шиша идишлар тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Келаси йил ишга тушириладиган корхонада 500 иш ўрни яратилади, йилига 3,7 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилади.

"Сирдарё шиша" МЧЖ томонидан шиша идишлар учун кварц қумини қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. Йилига 438 минг тонна кум қайта ишланадиган корхона учун "Асака банк"дан 5 миллион долларлик кредит ажратилади, 5,1 миллион доллар корхонанинг ўз маблағидир.

"Сирдарё универсал ойна" ва "Сирдарё гласс" корхоналарида ишлатиб бўлинган иссиқлик энергиясидан фойдаланиб, Европа типидagi иссиқхонада сабзавот етиштириш режалаштирилмоқда. Унга кўра, "Сирдарё универсал ойна" корхонаси ёнида 10 гектарлик иссиқхона барпо этилади. Лойиҳа беш босқичдан иборат бўлиб, иссиқхоналарни бошқаришнинг тўлиқ автоматлаштирилган тизими, сувни қайта циркуляция қилиш ва ёмғир сувидан фойдаланиш, сифат назорати, ишлаб чиқариш, ресурслар билан таъминлашнинг европача тизимини қамраб олади.

Ушбу иссиқхонада йилига 2,5 минг тонна маҳсулот етиштириш, 6 миллион доллар атрофида соф даромад олиш ҳамда 5 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

"Сирдарё фиш технологи" МЧЖ томонидан ёпиқ сув айланма тизими орқали балиқ етиштириш ва қайта ишлаш режалаштирилган. 2020 йилда ишга тушириладиган ушбу лойиҳа самарасида йилига 2 минг 750 тоннадан зиёд балиқ етиштирилади.

"Сирдарё гласс" корхонаси томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ҳамда консервлалаш йўлга қўйилади. Ушбу лойиҳа орқали йилига 3 минг тонна маҳсулот қайта ишланади, 140 иш ўрни яратилади. Бу вило-

содий салоҳияти ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда ушбу инвестицион лойиҳаларнинг аҳамияти юқори эканини таъкидлаб, уларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Президентимиз Сирдарё вилояти Ховос туманига ташрифи буюриб, дастлаб Ховос шаҳарчасининг бош режаси билан танишди.

"Мирзачўл тажрибаси" асосида Ховос шаҳарчасининг янги маркази бунёд этилиши режалаштирилган. М-39 автомобиль йўли бўйидаги 42 гектар худудда комплекс қурилиш ишлари лойиҳалаштирилган. Унга мувофиқ, бу ерда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари бинолари, Давлат хизматлари агентлиги, тижорат банклари, турар жойлар, мактаблар, истироҳат боғи, хотира майдони, кинотеатр, кутубхона, масжид, бозор, савдо ва маиший хизмат шохобчалари қурилади. Йўл инфратузилмаси ривожлантирилиб, аҳоли ва транспорт учун янада қулайлиқлар яратилади.

Ховосда охириги эллик йил давомида биронта кўп қаватли уй қурилмаган. Одамлар эски, тор, зах уйларда яшаб келган. Энди ҳар йили кўп қаватли янги уйлар барпо этилиб, аҳолининг ижтимоий шароитлари босқичма-босқич яхшиланиб боради. Оилавий шароити яхшиланиб инсоннинг умиди, эртанги кунга ишончи ҳам мустаҳкамланади.

Шу мақсадга хизмат қиладиган яна бир хайрли ташаббус: "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти томонидан Сирдарё вилоятида 32 та тикувчилик мажмуаси ташкил этиш режалаштирилган. Бу цехларда жами 4 минг 200 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Президентимиз шу ерда ховослик нурунийлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар билан суҳбатлашди.

Мамлакатимизда катта ўзгаришлар амалга оширилаётгани, давлат билан бирга одамлар ҳам уйғониши, фаровон яшашга интилиши кераклиги таъкидланди. Ховосликлар вилоят ривожини, аҳоли турмуш даражасини

Бутун жараён тўлиқ автоматлаштирилган. Корея Республикасидан олиб келинган замонавий жихозлар ҳароратни, ўсимликнинг сув ва озۇқга талабини чуқур таҳлил орқали аниқлайди ва минераллар билан бойитилган сув томчилатиш усулида ўсимлик илдизига етказилади.

Иссиқхонада йилига 1 минг 500 тонна помидор етиштирилади. Шунингдек, 2 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспорт қилинади. Корхона томонидан жорий йилнинг учинчи чорагида яна 10 гектар иссиқхона ишга тушириш режалаштирилган.

Президентимиз мазкур иссиқхона ни камайитириш, Жанубий Кореядан келтирилиб, фойдаланилаётган замонавий технологияларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва харажатни камайитириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Янгиер шаҳрида ташкил этилиши режалаштирилган аммиак ва карбамид заводи қурилиши майдонида бўлди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва экспортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ер унумдорлигини ошириш, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни талаб этади.

Шу боис "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти томонидан "Samsung Engineering" компанияси билан ҳамкорликда аммиак ва карбамид заводи қуриш режалаштирилган. Умумий қиймати 600 миллион доллар бўлган мазкур заводда йилига 400 минг тонна аммиак, 660 минг тонна карбамид ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Хориждан замонавий технологиялар келтирилиб ўрнатилди, "ноу-хау"лар қўлланилади. 500 доимий иш ўрни яратилади. Завод қурилиши учун жуда қулай жой танланган. Бу ерда табиий газ манбаи, электр ва сув таъминоти тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар бор.

Сирдарёдагидек қулай инфратузилма ҳеч қаерда йўқ. Бундай имконият заводни қуриш ва барқарор

ишланади. Корхонада 200 иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Сирдарё вилоятига ташрифи доирасида "Бек кластер" корхонасида бўлиб, уни янада ривожлантириш бўйича топшириқлар берган эди.

Президент қарори асосида "Бек кластер"га 18 минг гектар ер майдони ажратиб берилган. Масъулияти чекланган жамиятга қарашли корхоналарда минга яқин доимий иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, 1 минг 800 нафар киши мавсумий ишларга жалб қилинади.

Янги завод пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлайди. Аҳамиятли томони, бу ерга ўрнатилган замонавий ускуналар пахта толасини сифатли қайта ишлаш баробарида, энергиятежамкор ҳамдир.

Қишлоқ хўжалигига илмий ёндашиш доимий эътиборимизда бўлиши керак. Бусиз юқори ҳосилдорликка эришишнинг иложи йўқ. Шу жиҳатдан "Бек кластер" корхонаси томонидан илмий муассасалар билан ҳамкорликдаги ишларни қўллаб-қувватлаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимизга "Бек кластер"да истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Хусусан, кластер қошида давлат хусусий шериклиги асосида коллеж очил режалаштирилган. Бу ерда кластерга қарашли корхоналар учун малакали мутахассслар тайёрланади.

Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Жумладан, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, уруғчилик ва узумчиликни ривожлантириш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, ер майдонларини қайта ўзлаштириш, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури бўйича аҳолининг томорқадан самарали фойдаланишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши яна минглаб иш ўринлари яратиш

қурилмоқда. Бу каби уйлар нафақат Гулистонда, балки бутун вилоятда ҳам кейинги 25-30 йилда биринчи маротаба барпо этилаётди.

Президентимиз "Буюк келажак" мавзесида қурилган уйлар, янги қурилиш жараёни билан танишди.

Бу уйларни қуришдан мақсад аҳолининг кўп йиллик орзуларини амалга оширишдир. Шунинг учун уларни сифатли, ҳар томонлама қулай қилиб қуришимиз керак. Токи янги уйга кўчиб келган ҳар бир оила биздан рози бўлсин, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари бу борада "Сирдарё тажрибаси"ни жорий қилиш ҳақида кўрсатмалар берди. Кейинги босқичда амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди.

"Guliston City" қурилиши лойиҳаси уч босқичда амалга оширилади. 2019-2022 йилларга мўлжалланган замонавий шаҳарчининг умумий ер майдони 45 гектарга яқин бўлади. Бу ерда кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, кўнгилочар масканлар, маданият ва бизнес маркази, анжуманлар саройи, таълим ва тиббиёт муассасалари, меҳмонхона, ҳунармандлик уйи каби иншоотлар қурилади.

Шаҳарда 2020 йилга қадар яна 10 та 7 қаватли уй, шунингдек, ички ишлар ходимлари, ҳарбийлар учун хизмат уйлари фойдаланишга топширилади. Бу ерда намунали боғчалар, мактаблар ва бошқа зарур инфратузилма объектлари барпо этилади.

Президентимиз вилоятда ёшлар таълим-тарбияси, маънавият ва маърифат, спорт соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар билан ҳам танишди.

Сирдарё вилоятида китобхонликни кенг тарғиб қилиш концепцияси ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, фарзанд тарбияси ҳали у туғилмасидан олдин бошланиши, сўнгра чақалоқлик, мактабгача тарбия ва мактаб ёшидаги таълим даврига оид янги концепция ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Гулистон шаҳрида "O'qituvchi" бренди ости-

хонликни тарғиб этиш концепцияси асосида кўшма китоб павильонлари ташкил қилиш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Гулистон шаҳрида Сирдарё вилояти ва туманлар ҳокимлари, фаоллар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятининг саноат ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилаётгани, қишлоқ туманларда саноат деярли йўқлигини қайд этди. Шу боис махсус ишчи гуруҳнинг ўрганишлари натижасида 342 та ўрта ва йирик инвестиция лойиҳаси дастури ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Хусусан, Сирдарё иссиқлик электр станцияси ва Фарҳод гидроэлектр станциясини модернизация қилиш, Сардоба сув омборида кичик гидроэлектр станцияси қуриш бўйича жами 275 миллион долларлик учта лойиҳани амалга ошириш бошланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Хитой, Италия ва Қозоғистондаги элчилари томонидан 30 га яқин лойиҳа бўйича аниқ таклифлар шакллантирилган. Президентимиз вилоятга қўшимча инвестициялар олиб келиш, тадбиркорлик ташаббусларини юзга чиқаришга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги ерлари ва томорқалардан самарали фойдаланиш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда маънавият, маданият, таълим-тарбия масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда аънаёна айланган хайрли ишларни давом эттирган ҳолда, Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ташкил этиш таклифини илгари сурди. Йиғилганлар бу ташаббусни қизгин қўллаб-қувватлади.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи ақунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

# ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси қoшидаги "Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази" давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфига ўтказилсин ва у мазкур Марказнинг таъсисчиси сифатида белгилансин.

4. Белгилаб қўйилсинки: давлат мулки объектларини (акциялардан ташқари) сотиш бўйича савдолар "E-IRO AUCTIONS" электрон савдо майдончасида амалга оширилади;

2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш бўйича савдолар "E-IRO AUCTIONS" электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилади;

давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш учун электрон савдоларга чиқаришда улар бўйича ижара тўловининг энг кам ставкаси объектни балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш мақсадида кўрсатилган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда кўрсатилади;

"E-IRO AUCTIONS" электрон савдо майдончасига 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича қўйилган давлат кўчмас мулк объектлари улар тўлиқ сотилмагунга қадар савдолардан олинмайди.

5. Куйидагилар:

**"E-IRO AUCTIONS" электрон савдо майдончасида 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шarti билан сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;**

белгиланган тартибда сотилиши

лозим бўлган давлат мулки объектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ; келгусида самарали фойдаланиш учун давлат органларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилиши лозим бўлган давлат мулки объектлари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

**Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат тендер комиссияси) таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда:

мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган тегишли ер участкалари, бино ва иншоотларнинг кадастр ҳужжатлари тайёрлишини ҳамда уларга бўлган ҳуқуқларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг 3-илоvasида кўрсатилган давлат мулки объектларини қабул қилиш-топшириш ишларини, шунингдек, улардан келгусида самарали фойдаланилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

а) 2019 йил 1 мартдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унда агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёхуд Давлат тендер комиссиясининг қарорлари билан бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, давлат кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари учун сотиб олиш тўлов-

ларини тўлашда, савдолар ўтказилган санадаги белгиланган энг кам иш ҳақи (кейинги ўринда – ЭКИХ) баравари миқдоридан ҳисобланадиган сотиб олиш тўловлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда, сотиб олиш тўловларини тўлашнинг куйидагича белгиланган муддатларини жорий этиш:

ЭКИХнинг 3 000 бараваригача – олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч ойдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 3 000 бараваридан юқори, лекин ЭКИХнинг 7 000 бараваридан кўп бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб олти ойдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 15 000 бараваридан кўп бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йилдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 15 000 бараваридан юқори, лекин ЭКИХнинг 20 000 бараваридан кўп бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб икки йилдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 20 000 бараваридан юқори бўлганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатда;

б) "Кварц" АЖ устав капиталидаги 20 фоиз давлат акциялари пакетини бошқичма-бошқич фонд биржасида икки қилламчи СПО ўтказиш орқали, дастлаб 2019 йилнинг июнь ойида акциялар пакетининг 5 фоизини сотувага чиқарган ҳолда савдога қўйиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

8. Давлат тендер комиссиясига, истисно тариқасида, ҳўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат

акциялари (улушлари) пакетларини олди-сотди шартномаларини қийматли қозғолар савдолари ташкилотчиларининг савдо майдончаларидан ташқарисида рўйхатдан ўтказган ҳолда танлов ўтказиш ва тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали сотишга рухсат берилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича "E-IRO AUCTIONS" электрон савдо майдончасида сотилган давлат мулк объектларига доир инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш харидор томонидан ўз зиммасига олинган маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришининг бошланиши ва янги иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи мажбуриятлар бажарилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

эркин айирбошланадиган валютада сотиш учун савдога чиқариладиган ва савдога турган давлат акциялари пакетлари савдолардан олиниши, уларнинг миллий валютадаги қиймати аниқланган ҳолда қайта баҳолиниши ва миллий валютада тақрорий савдоларга чиқарилиши лозим;

ҳўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат акциялари пакетлари қонунчиликда назарда тутилган тўлов муддатларини узайтириш ва чегирмалар тақдим этиш механизмлари қўлланилмаган ҳолда сотилади;

ваколатли давлат органлари қарорлари бўйича сотилган давлат мулки объектларининг олди-сотди шартномаларини мажбурий равишда нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди.

10. "Ноль" харид қийматида сотишда, шу жумладан, аввал сотилган давлат мулки объектлари бўйича инвестиция мажбуриятлари бажарилган деб қабул қилинган пайтдан бошлаб бир йил давомида янги иш ўринларини сақлаб қолиш тартиби бекор қилинсин.

11. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорида Давлат активларини бошқариш агентлигининг тегишли мурожаати келиб тушган кундан бошлаб ўн кун муддатда келишилишини таъминлаган ҳолда, Молия вазирлиги ва юқори турувчи манфаатдор давлат органлари розилигига мувофиқ, идоравий мансублигидан қатъий назар, давлат кўчмас мулк объектларини (хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно) бир давлат ташкилоти тасарруфидан бошқа бир давлат ташкилоти тасарруфига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бегараз бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларига тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг мурожаатидан сўнг икки ой муддатда балансда сақловчилар томонидан уларнинг тасарруфидида ҳудудда жойлашган, белгиланган тартибда республика давлат бошқаруви органларига бириктирилган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно) ижарага бериш таъминланмаган тақдирда, ушбу объектларни тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун бир йилгача

бўлган муддатга қонунчиликда назарда тутилган тартибда балансда сақловчилар учун ажратмаларни тегишли маҳаллий бюджетга йўналтирган ҳолда ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда "E-IRO AUCTIONS" электрон савдо майдончасида сотиладиган давлат мулки объектлари тўғрисида тадбиркорлар ва аҳолини доимий равишда кенг хабардор қилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К.Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 19 февраль

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ УМУММИНТАҚА МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкентда 19 февраль кuni "Марказий Осийёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар" мавзусида халқаро конференция бошланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш доирасида ўтказилаётган тадбир Ташқи ишлар вазирлиги ва БМТнинг Марказий Осийёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Афғонистон, АҚШ, Бельгия, Буёк Британия, Эрон, Германия, Грузия, Ҳиндистон, Исроил, Испания, Қозғистон, Канада, Миср, Хитой, Корея, Кувайт, Озарбайжон, Қирғизистон, Латвия, Малайзия, Нидерландия, Покистон, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Таиланд, Туркия, Венгрия, Украина, Ўзбекистон, Финляндия, Франция, Швеция, Япония давлатларидаги таҳлилий марказларнинг 100дан зиёд вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманда Европа Иттифоқи, Америка давлатлари ташкилоти, Арктика маслаҳатлашув кенгаши минтақавий тузилмалари, шунингдек, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Европа инвестицион банки ва бошқа халқаро молия институтларидан қатнашчилар таширф буюрган.

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида тинчликпарварлик, манфаатли ва ишонч руҳидаги шериклик тамойиллари устувор ҳисобланади. Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига киришган илк кунлардан оқ мамлакатимизда ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият қаратилишини қайд этганди.

Бу каби мақсадлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топгани мамлакатимизнинг очик, дўстона ва прагматик сиёсатдаги қатъий позицияга содиқлигига яна бир далилдир. Унда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсий фаолият юритиш, аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш каби масалалар устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Ўтган қисқа вақтда минтақа давлатлари ўртасида ишонч даражаси сезиларли ошди. Қўшни мамлакатларга сафарлар, Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистон Президентларининг мамлакатимизга таширфлари натижасида минтақада савдо алоқалари фаоллашди, ҳудудлараро ҳамкорлик бўйича манфаатли ечимлар топилиб, транспорт коммуникациялари имкониятларини мувофиқлаштириш, Давлат чегараларини демаркация ва демилитация қилиш бўйича мулоқотлар фаоллашди.

Самарқандда 2017 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган "Марказий Осийё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзу-



сидаги юқори даражадаги халқаро анжуман натижасида 2018 йилнинг 22 июнь кuni БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Марказий Осийё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилинди. Бу Марказий Осийё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда яқдил қарашларга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Марказий Осийё энергия ва минерал ресурсларга бой, маданий-гуманитар ва улкан инсон капиталига эга. Шу билан бирга, минтақа учун халқаро терроризм, экстремизм ва гиёҳванд моддалар савдоси таҳдиди мавжуд. Кўп йиллардан буён Афғонистонда давом этаётган можаролар даврий-мизинг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Афғонистонда тинчликка эришиш эса Марказий Осийёда барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Шу маънода, бугун Ўзбекистон Афғонистон можаросини ҳал этишдаги халқаро сазъ-ҳаракатларнинг сезиларли кучайганини мамнуният билан қайд этган ҳолда, яқин қўшни мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий инфратузилма лойиҳаларига жалб қилишга қаратилган интилишларни давом эттирмоқда.

Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осийё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашувларини доимий ўтказиш ташаббуси минтақадаги барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Остонада ўтган ушбу форматдаги илк учрашувда сўзлаган нутқида энг долзарб халқаро ва минтақавий масалалар бўйича кенг фикр алмашиш, улар бўйича умумий позицияни келишиб олиш зарурлигини тақлиф этди. "Марказий Осийёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорлиқни кенгайтириш учун янги заҳира ва амалий

механизмларни излаш керак", деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари.

"Марказий Осийёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар" мавзусида ўтаётган халқаро конференция шу борадаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш, умумий ёндашувлар ишлаб чиқиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция минтақа ва дунёнинг қатор

давлатлари, халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Анжуман очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулўазиз Комилов, БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осийёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман сўнги йилларда Марказий Осийё давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар, инвестициявий муносабатларда ижобий динамика кузатилаётганини, бу эса дунёдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишга бевосита таъсир кўрсатишини таъкидлади.

Қирғизистон Республикаси стратегик тадқиқотлар миллий институти директори Куваничбек Шадибеков Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзаро манфаатли келишувларни амалга ошириш ташаббуслари минтақа мамлакатлари ўртасидаги ишонччи мустаҳкамлаб, халқларимиз турмуш даражасини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Қозғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қозғистон стратегик тадқиқотлар институти директори ўринбосари Санат Қушқумбаев тарихий, географик, иқтисодий, демографик жиҳатдан Марказий Осийё марказида жойлашган Ўзбекистон томони сазъ-ҳаракатлари сабаб чегара, савдо, энергетика, сув ресурслари бўйича фаол мулоқотлар олиб борилаётганини қайд этди.

Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директори ўринбосари Парвиз Муҳаммадзода Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу халқаро конференция ўта долзарб масалаларга қаратилгани ва ўз вақтида илгари сурилганини таъкидлади.

Туркманистон Молия ва иқтисодиёт вазирлиги вакили Искандер Оразов конференция кўп томонлама фикр алмашиш, ўзаро мувофиқ ёндашувлар ишлаб чиқиш ва минтақа-

вий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш учун қулай имконият эканини билдирди. Тадбирнинг минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги аҳамиятини юқори баҳолади.

Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президентининг Марказий Осийё бўйича махсус вакили офиси мутахассиси Фавзия Арал Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осийё ва Афғонистон ўртасидаги дипломатик муносабатларни фаоллаштириш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва иқтисодий ривожланишга эришиш борасидаги интилишлари ўз натижаларини бераётганини қайд этди. Бугунги йirik анжуман ҳам томонларнинг барча йўналишлардаги ҳамкорлигини юқори бошқича олиб чиқишда яна бир муҳим қадам эканини таъкидлади.

Халқаро конференция шўъба мажлисларида давом этди. Уларда савдо, иқтисодиёт, транспорт-коммуникация, хавфсизлик, экология, энергетика, туризм соҳаларида алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Таълим, фан йўналишларидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди, илгари сурилган долзарб ташаббуслар кенг муҳокама этилди.

Марказий Осийёда савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш минтақада эркин савдо тартибини самарали жорий этиш, божхона ва чегара тартиб-қондаларини соддалаштиришга бевосита боғлиқ экани қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари минтақа мамлакатларининг ишонч руҳидаги маслаҳатлашувларини ижобий баҳолаб, бу ишларни давом эттириш савдо, иқтисодиёт, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Орол фожиса оқибатларини бартараф этишда ташаббускори Ўзбекистон томони бўлган БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди имкониятларидан самарали фойдаланиш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш юзасидан фикр алмашилди.

Минтақа давлатларининг денгиз портларига ва халқаро бозорларга чиқиш имконини берадиган транспорт ва логистика тизимларини яратиш, мавжуд туристик имкониятлардан самарали фойдаланиш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш юзасидан ҳам эътибор қаратилди.

Конференциянинг биринчи кунида "Савдо-иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлик", "Минтақавий хавфсизликни таъминлаш", "Экология ва энергетика, сувдан оқилона фойдаланиш", "Туризм, маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатлар" мавзуларида шўъба мажлислари ўтказилди. Мамлакатимиз ва хорижлик олимлар, нуфузли экспертларнинг таҳлилий маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбири

Фракция фаолияти

## ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

&lt; Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Фракция аъзолари Омбудсманнинг 2018 йилдаги фаолияти якунлари юзасидан ҳисоботини таъкидий-таҳлилий кўриб чиқдилар. Вақилнинг фаолиятини янада жонлантиришга доир таклиф ва тавсиялар билдирилди. Шунингдек, Омбудсман парламент куйи палатасида муҳокама этилаётган ва қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари юзасидан фаол позициясини намоён этиши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги, "Ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ички ишлар органлари фаолиятининг ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, "Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги ва бошқа қонун лойиҳалари қизгин муҳокама этилди.

— "Ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида миллий давлатчилик амалиёти-миз ҳамда хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат аъзоларини парламент томонидан маъқуллашнинг



бир қатор тартибларини жорий этиш таклиф этилмоқда, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мухтабар Хусанова. — Хусусан, Бош вазир номзодини тасдиқлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, вазирлар ва давлат кўмиталари раислари номзодини Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг номзоди Қонунчилик палатасидаги масъул кўмита, фракциялар томонидан дастлабки куйи палата мажлисида маъқуллабди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аъзоси лавозимига номзод ҳукуматнинг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасида ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳамда истиқболдаги

вазифаларни назарда тутувчи ўзининг ҳаракатлар режасини тақдим этади. Қонунчилик палатаси ҳукумат аъзоси номзодини рад этган тақдирда, Бош вазир кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни тақдим қилади. Вазирлар Маҳкамаси аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганидан кейин вазифаларини бажаришга киришади. Мазкур қонун лойиҳасида кўзда тутилган тартиблар парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ҳамда қонунлар ижросини назорат қилиш борасидаги фаолиятини кучайтиришга, ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда фракция аъзолари кўриб чиқилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Якунда фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Мухтабара РАМАЗОНОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

Кўрик-танлов

## НАВОИЙГА МУҲАББАТ

фарзандларни комилликка етаклайди

&lt; Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бундай муҳаббат, ҳурмат туйғуси "Навоий ворислари" республика кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида ўз ифодасини топиб, муносиб ворисларни республика босқичига етаклади. Бу каби кўрик-танлов, навоийхонлик кечалари ёшларни миллий-маънавий ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонини қилиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат, аждодлардан фахрлиниш туйғусини камол топтириш сингари партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросида бекиёс аҳамият касб этади.

Маълумки, мазкур танлов биринчи марта 2017 йилда ўтказилган. Унинг республика босқичи икки йилдан буён Навоий вилоятида бўлиб ўтмоқда. Аҳамиятлиси, бу йилги танлов ҳатто, боғча ёшидаги ўғил-қизларимиз улуғ аждодимизнинг умрбоқий асарларини иштиёқ билан ўрганаётгани, мазмун-маъноини қалбига жо этганини намоён этади.

Навоий вилояти Хатирчи тумани "Ангидон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Миржалол Неъматов эндигина 6 ёшни қарши олган. Унинг Алишер Навоийнинг 40дан зиёд ғазал, 50 га яқин рубоийсини ёд олгани ва уларнинг ҳар бирининг мазмунини айтиб бергани барчани ҳайратда қолдирди. Миржалолнинг ёши низом талабларига тўғри келмагани боис у танловда меҳмон сифатида иштирок этди.

Ангидон маҳалласи Хатирчи туманининг тоғли худудида, туман марказидан 60 километр узоқликда жойлашган. Табиати гўзал, ҳавоси тоза. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Миржалолнинг ота-онаси ўқитувчи бўлиб, аниқ фанлардан, яъни физика ва математикадан сабоқ

беришади. Отаси Ибодулло Фармоновнинг айтишича, фарзанди 3 ёшидан ғазалларни ёдлай бошлаган.

— Оиламизда мумтоз адабиётимизга меҳримиз чексизлиги боис турмуш ўртоғим билан уйда доимо ғазал ўқишни баланд овозда машқ қилардик, — дейди Ибодулло Фармонов. — Бир куни уйга келсам ўша пайтда 3 ёшда бўлган ўғлим Навоий рубоийларини ёддан ва ифодали ўқиб берди. Шундан кейин Миржалолга ғазалларни оғзаки ўргата бошладим. Уйда онаси катта ўғлимизга, мен кичкинасига ғазалларни ёдлатиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тушуниришни доимий машғулларимиздан бирига айлантирдик.

Албатта, фарзандлар тарбияси, униб-ўсиши, билим олишга қизиқиши, аввало, оилада шаклланади. "Қуш уясида кўрганни қилади", деганларидек оиладаги муҳит ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама тарбиялаши шубҳасиз.

"Навоий ворислари" кўрик-танловининг финал босқичида Миржалолнинг иштироки ва ғазалу рубоийларни қойилмақом ижро этиши эълон қилинганда, томошабинларнинг аксарияти бунга ишонмагани рост. Аммо муҳташам "Фарҳод" маданият саройи залига йиғилган 800 томошабин унинг бейрон тилда, улуғ шоир шеърларини ифодали ва маромига етказиб ёддан ўқиганида бу сўзлар нақадар ҳақиқат эканлигига амин бўлишди.

Финал якуни натижаларига кўра 1-ўринга Шукрулло Зикрияев (Тошкент вилояти), 2-ўринга Лобар Давронова (Навоий вилояти), 3-ўринга Хуршида Акбарқуллова (Сирдарё вилояти) ва Дурдона Исарова (Самарқанд вилояти) лойиқ деб топилди. Кўрик-танлов ғолиблари ва иштирокчиларига ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Навоий вилояти ҳокимлигининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Шукрулло ЗИКРИЯЕВ,

1-ўрин соҳиби:

— Мазкур кўрик-танловнинг ўтган йилги республика босқичини ҳам кузатиб борган эдим. Алишер Навоий ижодини ўрганишга иштиёқ билан танловнинг тенгдошларим сафи йил сайин кўпайиб бораётганини яна бир бор кўриб қувондим. ЎзМТДП томонидан ташкил этилган бу танлов биз каби ёшларни улуғ шоир бобомизнинг ҳақиқий вориси бўлишга бебаҳо адабий меросини ўрганиш, ғазалларини ёд олиш, унда моҳирона қўлланган сўзларнинг луғавий маъносини билиш ва муаллиф мақсад-муддосини англашга ўргатмоқда. Қолаверса, ёшларнинг мумтоз адабиётимизга бўлган муҳаббатини ошириш, китоб ўқишга рағбат уйғотиш, уларнинг билими ва маънавий дунёсини янада бойитишга хизмат қилади.

Лобар ДАВРОНОВА,

2-ўрин соҳиби:

— Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий дунё адабиёти тарихида тенги топилмас сиймо ҳисобланади. Буноқ аждодимизнинг маънавий мероси халқимиз учун битмас-туганмас хазинадир. Танловга тайёргарлик кўриш жараёнида Навоий ғазалларини фақат ёд олиш билан келганиб қолмай, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳам чуқур ўрганишга ҳаракат қилдим. Ана шу икки кун мобайнида тажрибали устозлардан, қолаверса, иштирокчилардан кўп нарсаларни ўргандик, ўзаро фикр алмашдик. Танлов биз иштирокчилар учун чин маънода маҳорат мактабини ўтади. Навоийни ўқиш, ўрганиш, ўқиш ва англаш ҳақиқатан саодат эканини яна бир бор чуқур ҳис қилдик.

Абдували БҮРИЕВ,  
ЎзМТДП Навоий вилоят  
кенгаши матбуот котиби

Сайлов — демократия кўзгуси

&lt; Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Муддатидан илгари овоз бериш жараёнида сайлов бюллетени ўрнига сайлов варақалари берилиши эса яширин овоз бериш тамойилига мос келмайди.

Бугунги кунда озодликдан маҳрум этиш жойларида сақлаб турилган барча шахсга сайловда иштирок этиш таъқиқланган. Ваҳоланки, улар орасида ижтимоий ҳавфи катта ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлар, жиноят кўчасига адашиб кириб қолганлар ҳам бор. Айни шу ўринда "Ўрмонга ўт кетса ҳўлу-қуруқ баробар ёнади" деган таомилга амал қилинган кўринади. Ҳолбуки, уларнинг ҳаммасининг ҳам конс-

киши) сайловда иштирок этишини чекловчи метёрлар чиқариб ташланмоқда;

— ташвиқот ишларини бошлашда барча номзодга ягона муддат, яъни ташвиқотни номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охириг куннинг эртасидан эътиборан бошланиши кўрсатилмоқда.

Энг асосийси мазкур кодексни тайёрлашда кенг жамоатчилик фикри инобатга олинган: лойиҳа 5 хил турдаги, яъни Интернет, фуқаролик жамияти институтлари, илмий, амалиётчилар ҳамда халқаро ташиқлотлар экспертиза ва муҳокамаларидан ўтказилган.

## ХАЛҚНИ ЎЙЛАГАННИ — ХАЛҚ САЙЛАЙДИ!

титучиявий ҳуқуқи — сайловларда иштирок этишини чеклаш нотўғри бўлар эди.

Сайлов кодекси лойиҳасида ана шундай масалаларни ҳал этиш назарда тутилган. Унда амалдаги 5 та, яъни "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ўзаро бирлаштирилган.

Бироқ шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, Кодекс ўзида фақат 5 қонунни жамлаш билан чекланмайди. Унда демократик тамойилларни ўз ичига олган қатор ангилликлар киритилмоқда. Хусусан:

— Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташланмоқда;

— Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш тартиби қонун билан белгиланмоқда;

— ҳам муддатидан илгари, ҳам сайлов куни овоз бериш учун ягона сайлов бюллетенини жорий этиш мақсадида "сайлов варақаси" тушунчаси чиқариб ташланмоқда;

— сиёсий партияларнинг имзо йиғиши жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир неча номзод, ёхуд партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкинлиги белгиланмоқда;

— Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низомни бекор қилиш ва бу масалани қонун даражасида белгилаш таклиф этилмоқда;

— ижтимоий ҳавфи катта ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг (2,3 минг

Сайловчилар нима дейди?

## ЖОНКУЯР ДЕПУТАТЛАР КЎПАЙСИН

Бугун ҳар бир раҳбар ва халқ вакили ҳисобланган депутатларга юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида нафақат иштирокчи, балки янгича ғоя ва таклифлар билан чиқиш, ташаббускор бўлиш талаби қўйилмоқда. Шу боис депутатлар ҳам маҳалла-маҳалла, уйма-уй юриб одамларнинг муаммоларини ўрганмоқда, уларнинг дард ва оғриқларига елкадош бўлаётир. Пировардида, халқ вакиллари ҳам сайловчиларининг ишончини оқлаётир, ҳам ўзи сайланган партиянине мамлакат сиймоси жараёнида нифузи, одамлар орасидаги обрў-эътиборини янада оширишга ҳисса қўшмоқда.

Озода ҲОЖИБОЕВА,

Яшнобод тумани

Жарқўрғон маҳалласи:

— 1990 йилда тавааллуд топган укам Ботиржон туғма ногирон. Ўзим иссиқ-совуқдан доим хабар олиб тураман. Ҳар куни эрталаб, кечқурун бир маҳал аравачада айлантириб келишни одат қилганман. Кўп қаватли уйда яшашимиз боис кеч бўлганда аравачани уйимизга кираверишдаги йўлақда қолдириб кетардик, буни ҳамма биларди. Бир куни эрталаб кетибди. "Ўзинга маҳкам бўл, кўшинингни ўғри тутма" деганларидек, кимга додимизни айтишни билмай қолавердик.

Ўша пайтлари 28 яшар йигитни эпловмай қанчалик қийналганим ёлғиз Аллоҳга аён. Бошқасини олайлик десак, қурбимиз етмайди. Ноилоҳ маҳалла раисига мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Кўпни кўрган оқсоқолимиз мавжуд масалага биргаликда ечим топиш мақсадида 26-Жарқўрғон сайлов округидан халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Зулайҳо Камолжўраевага мурожаат қилибди. Қарангки, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас маҳалла раиси билан депутат уйимизга ногиронлик аравачаси ва совға-саломлар билан кириб келганда жигарим Ботиржоннинг ёш боладек қувонганини кўриб, ўзимнинг ҳам хурсандчилиқдан беихтиёр кўзларимга ёш келди. Эҳтиёжманд фуқаролар мушуқлини енгил қилишдек ҳайрли юмушга бош қўшган депутатдан миннатдоримиз.

Дилором ЖҲРАЕВА,

Чилонзор тумани Бешқўрғон МФЙ:

— Маҳаллаимиздаги Чорбоғ, 3-тор кўчасидаги электр токи ёғоч устунлари яроқлилик муддатини аллақачон ўтаб бўлган. Симлар эса узиларириб, бир-бирига қайтадан уланаверганидан гўё ўргимчак тўрини эслатарди. Кучли шамол эсиб қолгудек бўлса юрагимизни ховучлаб ўтирардик. Биз мурожаат қилишдан, тегишли идоралар эса "сабр қилинган, давлат дастурига киритилди, албатта, янгисига алмаштирамиз", деб ваъда беришдан чарчамади. Ахийри, 29-Бешқўрғон сайлов округидан халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашига сайланган депутатимиз Санжарали Имомалиев жонимизга оро кирди. Уч-рашувлардан бирида бу ҳақда мурожаат қилгандик, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай депутатнинг кўмаги билан яроқсиз ҳолга келиб қолган симёғочлар ўрнига 11 бетон устун ўрнатилди ва электр симлари қайтадан тортилди. Натижада маҳалладошларимизни кўпдан буён қийнаб келаётган муаммо ҳал бўлди.

Депутатимиз маҳаллаимиздаги 270-умумтаълим мактабига ҳам ёрдам кўрсатди: учта совуқчи, 60 дона стул олиб берди. Спорт залига янги ёриткичлар, кузатув камералари ўрнатилди, шунингдек, ўзининг ҳисобидан фарзандларимиз учун спорт анжомлари олиб берди. Юртимизда шундай саховатпеша инсонлар, ЎзМТДП сафида жонкуяр депутатлар сони кўпаяверсин.

Равшан МАҲМУДОВ,  
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши  
етақчи мутахассиси

Жаҳонгир  
ШИРИНОВ,  
ЎзМТДП  
фракцияси  
аъзоси



# БУГУНГИ САЙЛОВЧИ ҚУРУҚ ВАЪДАЛАРГА ИШОНМАЙДИ



«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Йиғилишда қайд этилганидек, халқ депутатлари Ангрен, Олмалик шаҳар ва Ўқма туман Кенгашидаги 4 нафар депутат партия ташкилотлари билан алоқани узгани, сайловчилар ишончини оқламагани сабабли мuddатидан олдин қақриб олинди. Ангрен шаҳар, Чиноз, Зангиота, Оҳангарон туманларидаги айрим депутатлар эса фаолияти сустлиги боис огоҳлантилди.

Партия вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Энг яхши китобхон оила» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Қувонарлиси, бугунга қадар 22 туман ва шаҳардан жами 120 оила мазкур танловда қатнашди. Танловга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи оилалар вакилларининг китоб ва китобхонлик қизиқишини ошириш орқали вилоятда китоб мутолаасига бўлган эътиборни янада жонлантиришга ҳисса бўлиб кўшилиши шубҳасиз.

Партия ташкилотлари ва депутатлар ўтган йилнинг декабрь ойида вилоятдаги тиббиёт касб-хунар коллежлари, туғруқ комплекслари, вилоят Перинатал маркази фаолиятини ўрганди. Вилоятда бор-йўғи битта Перинатал маркази мавжудлиги 22 туман ва шаҳар аҳолиси, айниқса, узок ҳудудлар фуқароларига ноқулайлик туғдириши аниқланди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига 4 ҳудудий Перинатал маркази ташкил этиш таклифи билдирилди. Бундан ташқари, ўрганишлар давомида туман ва шаҳарлардаги туғруқ мажмуаларининг аксариятида замонавий тиббий жиҳозлар етишмаслиги аниқланди. Айниқса, Паркент, Ўқма туманидаги туғруқ мажмуаларининг ҳолати ачинарли эканлиги таъкидланди.

Кенгайтирилган йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов сўзга чиқди.

— Тақдим этилган ахборотда қайд этилганидек, вилоятдаги партия ташкилотлари ва депутатлар ўз фаолиятида қатор амалий натижаларга эришган, — деди партия етакчиси. — Аммо вилоятдаги барча партия ташкилотлари ва депутатларнинг фаолиятини бугунги давр талаби даражасида, деб бўлмайди. Сессияларга, асосан, китобхонлик, ахборот-ресурс марказлари ва маданий мерос объектилари билан боғлиқ масалалар киритилган, ҳолос. Ҳолбуки, вилоят ҳудудида бундан бошқа муаммолар ҳам етарлича топилади. Депутатлик сўровларида асосан газ, сув ва бандлик билан боғлиқ масалалар акс этган. Демак, вилоятда ушбу соҳаларда тизимли муаммолар мавжуд. Шундай экан, нима учун мазкур масалалар чуқур ўрганилиб, сессияларга олиб чиқилмаган? Ёки туризмининг ривожлантиришга қаратилган қарор ва фармонлар ижроси вилоятда вақтида таъминланмаётгани нега ҳудуддаги ЎзМТДП депутатларининг диққатини тортмайди? Шулардан келиб чиқиб, 2019 йилда партия ташкилотлари ва гуруҳлари туризм соҳаси ҳамда ҳудуддаги хунармандчилик марказлари фаолиятини атрофлича ўрганиб, аниқ амалий ишларни бажариши лозим.

Кенгайтирилган йиғилишда маҳаллий Кенгашилар депутатлари ва туман кенгашилари раислари сўз олиб, йўл кўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда келгусидаги фаолиятни янада кучайтириш борасида ўз фикр-мулоҳазаси ва таклифларини билдирдилар.

Яқунда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам иштирок этди.

Йиғилишда қайд этилганидек, халқ депутат-

лари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳлари сессиялар кун тартибига 36 та масала киритишга эришди. Бу борада халқ депутатлари Миробод, Сергели, Чилонзор, Яққасарой ва Бектемир туман кенгашидаги партия гуруҳлари фаоллик кўрсатган бўлса, депутатларнинг Олмазор, Учтепа ва Юнусобод туманлари фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди. Шунингдек, ҳисобот даврида барча даражадаги депутатлар томонидан жами 294 депутатлик сўрови амалга оширилган.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида «Хизмат — беминнат» лойиҳаси доирасида 52 та ўқув курси ташкил этилиб, уларда жами 415 нафар йигит-қиз билан ва хунар эгаллари. «Уйма-уй» лойиҳаси доирасида эса 1 ярим мингга яқин хонадонга кирилиб, фуқароларнинг муаммо ва мурожаатлари ўрганилди, 68 нафар ёш ишга жойлаштиришга ёрдам кўрсатилди.

Кенгайтирилган йиғилишда айрим партия ташкилотлари ва гуруҳлари ўз фаолиятида сусткашликка йўл қўйгани танқид қилинди. Айрим депутатларнинг ҳатто депутатлик сўрови қандай тартибда ёзилиши ва киритилиши, унга қай тартибда жавоб олинишини билмаслиги аянчли ҳолат эканлиги таъкидланди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан сўз олган партия вакиллари ўтган йилда фойдаланилмаган имкониятлар, хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариши, 2019 — сайловлар йилида фаолият ва ташаббускорликни янада кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.

## Муҳтарам КОМИЛОВА, «Milliy tiklanish» муҳбири

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти яқунлари ва 2019 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Алишер Ҳамроев, халқ депутатлари Жиззах вилоят, туман, шаҳар Кенгашилар депутатлари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Таъкидланишича, бугун халқ депутатлари Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларида ЎзМТДПдан сайланган 75 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Шундан 13 нафари вилоят Кенгаши, 62 нафари туман ва шаҳар Кенгашилари депутатидир. Ўтган йил мобайнида маҳаллий Кенгашилардаги партия гуруҳларининг фаолияти асосан аниқ, муаммоли масалаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда бу борада тегишли ташкилотларга таклиф ва тавсиялар беришга қаратилди. Партия гуруҳлари ташаббуси билан 2018 йилда сессиялар кун тартибига партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, электротар манфаатларини ҳимоя қилишга доир 36 масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

— Ўтган йилда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкилотлари томонидан амалга оширилган лойиҳалар, партия гуруҳлари сессияларга киритган масалалар партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб амалга оширилди, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Алишер Ҳамроев. — Туризм соҳаси ривожига кўмаклашиш, маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш борасидаги ўрганишлар, «Уйма-уй», «Хизмат — беминнат» сингари бир қатор лойиҳалар шулар жумласидандир. Бироқ партия Жиззах вилоят кенгаши 2019 йилда амалий ишлар ва натижаларга янада кўпроқ эътибор қаратиши, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларидаги депутатлар фаолиятини янада жонлантириш, жойлардаги реал ҳолатдан келиб чиқиб янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиши лозим.

Кенгайтирилган йиғилишда сўз олганлар ўтган йилда йўл қўйилган хато ва камчиликларни жорий йилда тақдорламаслик учун амалга ошириш лозим бўлган муҳим вазифаларга

тўхталиб ўтди. Шунингдек, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгашининг 2019 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

## Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Навоий вилоят кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммеджонова, Марказий кенгаши ходимлари, маҳаллий партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашиларига сайланган депутатлар, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда мавжуд камчилик ва муаммолар атрофлича таҳлил этилди, туман ва шаҳар кенгашилари фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Таъкидлаш жоиз, 2018 йилда партия Навоий вилоят кенгаши ўз фаолиятини асосан маънавий-маърифий ислохотларни амалга ошириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, миллий иқтисодиётда туризмнинг салмоғини юксалтириш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, партияимиздан вакиллик органларига сайланган депутатлар ҳамда партия ташкилотлари фаолигини янада кучайтиришга қаратди.

— Моддий маданий мерос объектилари халқимиз ўтмиши ва бугунини боғловчи кўприк вазифасини ўтайди, — деди халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Дилбар Орзиева. — Партияимиз ўтган 2018 йилда мана шундай бебаҳо бойлиқни асраб-авайлаш, келажак авлодларга бус-бутун ҳолда етказишга алоҳида эътибор қаратди. ЎзМТДП Марказий кенгашининг мамлакатимизда мавжуд моддий маданий мерос объектиларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ҳамда бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар режасига асосан, партия вилоят кенгаши ҳудудлар кесимида 389 моддий маданий мерос



объектини ўрганди. Ўрганиш натижалари юзасидан халқ депутатлари Навоий вилоят, Нурота, Хатирчи, Кармана, Навбахор, Учқудуқ ва Томди туман Кенгашилари сессиялари кун тартибига ташаббус-масалалар киритилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бундан ташқари болалар кўшиқчилигини ривожлантириш, «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолиятининг бугунги ҳолати, Ўзбекистонда гиламчилик музейини ташкил этиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари фаолияти, «Yosh tadbirkorlar» коворкинг-марказлари, тиббиёт тизими, туризм соҳаси ҳамда «Yoshlar mehnat guzari» комплекслари фаолияти депутатларимиз ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўрганиб чиқилди.

2018 йилда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларидаги ЎзМТДП гуруҳлари томонидан амалдаги қонунлар, Президент фармонлари, давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича 354 депутатлик сўрови, маҳаллий Кенгашилар сессияларига 30 ташаббус-масала, доимий комиссиялар йиғилишлари кун тартибига 74 масала киритилди.

Йиғилишда «Ешлар қаноти» ва «Аёллар қаноти» томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, «Уйма-уй», «Депутат билан юзма-юз», «Хизмат — беминнат» лойиҳалари доирасида жойларда аҳоли билан учрашув мунтазам ташкил қилингани, аммо аксарият мурожаатларнинг яқуний натижаси ўз ҳолига ташлаб қўйилгани танқид қилинди.

2018 йилда жисмоний ва юридик шахслардан тушган 475 мурожаатнинг аксарияти бандлик, коммунал, уй-жой, ер, иш ҳақи, нафақа ва соғлиқни сақлаш тизимига тааллуқли масалалардир.

Йиғилишда музокара юзасидан сўзга чиққан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Тоҳир Уринов, Навоий давлат кончилиги институтини ташкил этилган «Кўмак» гуруҳи аъзоси Захро Умарова ва бошқалар йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Навоий кон металлургия комбинати тизимидаги бир қатор корхоналарда фаолият олиб бораётган БПТлар ва Навоий давлат педагогика институтини ташкил этилган «Кўмак гуруҳи» аъзоларига партия ташкилотининг гувоҳномаси, фаол депутатларга эса ташаккурномалар тақдим этилди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Унда Бахтиёр Бобоназаров ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раисининг ташкилий-партиявий ва кадрлар масаласи бўйича ўринбосари этиб тасдиқланди ҳамда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Абдували БЎРИЕВ, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодиржон Мухторов, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Одижон Мамакаримов партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ўтган 2018 йилги фаолияти яқунларини танқидий таҳлил қилиб, 2019 йилдаги асосий вазифа ва йўналишлар ҳақида тўхтади. Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги парламентга Мурожаатномасидан келиб чиқиб, барча партия ташкилоти ва гуруҳлари олдида турган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, бугунги кунда Наманган вилоятида ЎзМТДПнинг 383 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, унга 13 мингга яқин аъзо бирлашган. Ҳисобот даврида электротар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқ депутатлари вилоят,

Кенгайтирилган йиғилишда бу кўрсаткичлар ЎзМТДП гуруҳлари салоҳиятига мос эмаслиги, депутатлар ваколатларидан янада самарали фойдаланишлари, ташаббускорликни оширишлари лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда ЎзМТДП Норин туман кенгаши раиси Мансурбек Мадиев, халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгаши депутати Абдусамд Тожибоев йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бу йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди. Шунингдек, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бўлими раҳбари Мўътабар Мақсудова партия вилоят кенгаши нодавлат ва нотижорат ташкилотлар билан алоқаларни янада мустақамлаштириш, ўзаро ҳамкорликда амалий ишлар кўламини янада кенгайтириши борасида таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

## Оқилхон ДАДАБОВЕВ, ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши фаоли

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида партия Марказий кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ижрочи котиби Ҳусниддин Ражабов, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши аъзолари, Жўржорғи Кенгес ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилар депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ўтган 2018 йилда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасидаги фаолияти яқунлари танқидий таҳлил қилиниб, 2019 йилдаги асосий йўналишлар муҳокама этилди.

Партия ташкилотлари уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга йўналтириш, «устоз-шогирд» анъаналарини ривожлантириш мақсадида маҳаллаларда истиқомат қилаётган уюшмаган ёшлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлиги бўлган, вақтинча ишсиз хотин-қизлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратди. Партиянинг «Хизмат — беминнат» лойиҳаси доирасида ҳудудда 77 бепул ўқув курси ташкил қилинди. Унда 500га яқин уюшмаган ёшлар ва хотин-қизларга бепул таълим берилди, касб-хунар ўргатилди.

Ўтган йил давомида «Уйма-уй» лойиҳаси доирасида жами 1300дан зиёд хонадонда ўрганишлар олиб борилиб, натижада 200га яқин ёшлар ва хотин-қизлар иш билан таъминланишига кўмаклашилди, кредит олиш мақсадида мурожаат этган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, партия ва депутатлар томонидан Қорақалпоғистон Республикасидаги жами 291 моддий маданий мерос объектининг ҳолати ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра, уларнинг аксариятида кадастр ҳужжатлари мавжуд эмаслиги аниқланди. Деярли барча шаҳар ва туман Кенгашилари сессияларига маданий мерос объектиларини муҳофаза қилишга оид масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

— 2019 йилда мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларга сайлов бўлиб ўтди, — деди ЎзМТДП Шуманай туман кенгаши раиси Гулжаҳон Сапарбоева. — Юртимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу жараёнда партия фаоллари ва депутатлар томонидан Қорақалпоғистон Республикасидаги жами 291 моддий маданий мерос объектиларини муҳофаза қилишга оид масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Партия вилоят, туман, шаҳар ташкилотлари ва депутатлар иштирокида ўтган йилда жойларда 30 га яқин сайёр қабул ўтказилди. Учрашувлар давомида келиб тушган 165 мурожаатнинг 39 таси партия фаоллари ўрганишлари натижасида ҳал этилди, 71 таси эса фуқароларга тушунтириш ва тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш асосида ечим топди.

Партиянинг «Уйма-уй» лойиҳаси доирасида 2018 йилда жами 742 хонадонга борилди. Натижада 42 нафар аёлга имтиёзли кредитлар ажратилди. 28 нафар ўғил-қиз мактабгача таълим муассасаларига жойлаштирилди, 21 нафарига нафақа пули олишда, 6 нафарига алимент пули тўланишида, 44 нафар бемор фарзанди бор оилаларга бепул тиббий кўриқдан ўтиш учун йўланма олишга кўмаклашилди. Шунингдек, «Ҳар бир оила — тadbirkor» дастурини амалга ошириш мақсадида партия томонидан Наманган шаҳри, Косонсой, Янгикўрғон, Норин туманида тижорат банклари ҳамкорлигида очик мулоқотлар ўтказилди. Натижада 42 нафар хотин-қизга чеварлик, паррандачилик, иссиқхоналар ташкил қилиш ҳамда чорвачилик учун 392 миллион 500 минг сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Кенгайтирилган йиғилиш якунида ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг 2019 йилги устувор вазифалари белгилаб олинди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Мирзахмет ТАЖИМУРАТОВ, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши етакчи мутахассиси

Муаммога тик қараб...

Газетхон минбари

## ЎРНАНГАН КҮНГИЛ БИР КҮН КЕЛИБ БАРИБИР ЎРТНАДИ(МИ?)

**Ижтимоий лоқайдлик — иллат. Бугун биз айтмоқчи бўлган мавзу бир қараганда кимлар учундир майда, арзимасдек туюлиши мумкин. Аммо мулоҳаза қилганда, кичкина кўринган муаммонинг ҳам ўз вақтида пайи қирқилмас экан, эртага у ортидан тоғдек балоларни бошлаб келиши турган гап ва бу тарихда кўп бор исботланган ҳақиқат.**

Автоулови борлар билади, деярли ҳар куни "заправка"га кириб турилмас бўлмайди. Баъзан автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчалари (АЁҚШ) хизматида кўнглимиз тўлмайди. Гоҳида "пистолет"чиларнинг "хизмат ҳақини бермайсизми?" дея киприк қоқмай тикилишидан кайфиятингиз бузилиши ҳам бор гап. Ўша пайтда чўнтагингизда беш-тўрт сўм бўлса яхши, бўлмаса ортингиздан "курумос" дея сўкиб қоладиганлари ҳам учрайди. Шунинг учунми, "пистолет"чилар ҳозир олдиндан хизмат ҳақи олишга ўтган. Айтايлик, ўттиз-қирқ минг сўм узатсангиз, "ака, хизмат ҳақини шундан олиб қолаверайинми?" деб сўраб ҳам қўяди. Истамсангиз-да, паст кетгингиз келмай "олавер" дейсиз. Қарабсизки, таблода 29500 (39500) ёки 29700 (39700) рақамлари пайдо бўлади. Раҳмат эса ҳар доимгидек насия.

Авваллари автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаларидаги дастурларга 100 сўм берсангиз, рози бўлиб олаверарди. Ҳозир камиди 200, совуқ кунлари 500 сўм бермангиз, норози бўлиши турган гап. "Хизматларингиз учун ойлик оласизлар-ку?" деб савол берсангиз "бизга маош берилмайди", деган жавоб тайёр. Табиийки, бундан сизнинг ҳайронлигингиз ошди: "наҳоти улар бизнинг ҳисобимиздан кун кўришса?!"

"Безини қуйиш шохобчаларидаги бундай хизмат учун 200-300 сўм олинишидан норози бўлиб юрардим. Яқинда автоулови газга ўтказгач, бу "заправка"дагиларга ҳам худди шундай хизмат ҳақи узатилиб турилишига гувоҳ бўлдим. Кайфиятингиз бузилиши нақд бўлиб турган, бермасликнинг ҳам иложи йўқ..."

"Бундай шохобчаларда ишлаётган ёшларни анчадан буён кузатаман. Ажабланарлиси, айти пайтда афсусларидис ҳам, шундаки, уларнинг аксарияти на саломни билади ва на алиқни. Бинобарин, савол тугилади, улар қачон муомала маданиятини ўрганади? Келганингизда қўлини кўксига қўйиб: "ассалому алайкум, келинг ака, неча сўмлик қуйиб", келтиганингизда эса: "хизматимиздан фойдаланганингиз учун раҳмат, оқ йўл, яна келиб туринг", деса ёки чойчақа узатсангиз: "узр ака, бизда хизмат кўрсатишга ҳақ олинмайди, бунинг учун маош оламиз", деб қўлингизни қайтарса... Ва умуман олганда, аслида ҳам шундай бўлиши керак эмасми?"

"Гапнинг дангалини айтганда, "пистолет"чиларни хизмат ҳақига ўзимиз ўргатдик. Сўраса-сўрамаса 500 сўм узатамиз. Умуман, гап пулда эмас. Агар улар муомаласини яхши қилса, ҳайдовчиларнинг ўзлари рози бўлиб, тўрт-беш сўм бериб кетади. Аммо бермагандан сўраб, таъмағирлик қилмаслиги керак..."

Бу ҳайдовчилар билан айти масалада юзасидан бўлган суҳбатлардан парчалар.

Ҳақиқатан ҳам, "пистолет"чиларнинг хизмат ҳақи сўрашига улар айтганидек, ойлик бермай



ишлатаётган бошқилари айборми ёки олавериб таъмағир бўлиб қолган хизматчиларми? Умуман, хизмат ҳақи беришга мажбуримизми? Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилигида бу ҳақда нима дейилган?

Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилдик:

— Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 21-моддасида (Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган шартлари ҳақиқий эмаслиги) сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қўйишга, шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақиқий эмаслиги белгиланган. — дейди Федерация ҳуқуқшуноси Ботир Юнусов. — Жумладан, автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаларида ёқилги пулидан ташқари хизматларга (ёқилги қуйиш "пистолети"ни ушлаб турганлиги, автомобиль ойнасини тозалаганлиги ва ҳ.к.) ҳақ олиш ноқонуний бўлиб, юқоридида кўрсатиб ўтилган қонун нормасининг бузилиши деб ҳисобланади.

Ҳўш, хизмат кўрсатилганда қўшимча ҳақ олиш қонунан тақиқланган экан, бу ҳақда АЁҚШ раҳбарларининг хабари борми?

Хизмат ҳақи олишда анчайин "малака"га эга бўлган Фаргона йўли кўчасида жойлашган "Geksan Oil" ва "Oktan Petrol" АЁҚШга қўнғироқ қилдик:

— "Заправка"мизда хизмат ҳақи олиш ҳақидаги гап-сўзларни сиздан энди эшитиб турибман, — дейди "Geksan Oil" операторларидан бири. — Бизда ҳамма маош олиб ишлайди. Хизмат ҳақи олаётган бўлса, ҳайдовчиларнинг ўзлари хоҳлаб бераётгандир-да...

"Oktan Petrol" фирмаси вакили эса саволимизга қуйидагича жавоб қайтарди:

— "Пистолет"чиларнинг беш-тўрт сўм

олишини эшитганман. Аммо ҳайдовчиларнинг ўзлари берса олинганлар, зинҳор сўраманганлар, деб тайинланганман. Мажбураётганлари бўлса, бизга тутиб беринганлар, шу куни ишдан бўшатамиз. Ҳеч кимни ойликсиз ишлатмаймиз. Муомала маданияти ҳақида билдирган танқидларингиз ўринли. Ҳар доим уларга хушмуомала бўлинглар, деб уқтириб келаямиз...

Автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчалари масъулари "пистолет"чиларининг айбини барибир тан олмайди. Уларга ҳозир бозор талабларига қараб иш тутилмас бўлмаслигини айтиб, "заправка"нгизнинг кириш қисмига "бизда хизмат кўрсатиш бепул" деб катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилса бўлмайди, мижозларингиз ҳам янада кўпайган бўларди", дедик. Улар тақлифимизни қўллаб-қувватлаб, албатта, шундай қилишини айтди. Чунки айрим АЁҚШда бундай эълонлар бор ва ҳеч ким хизмат ҳақи ҳам сўрамайди, ҳайдовчилар ҳам узатмайди.

Албатта, уларнинг ваъдага вафо қилишига унчалик ҳам ишонмадик. Қолаверса, "пистолет"чиларнинг ҳайдовчиларга "солик" солишига биринчи навбатда шундай имконият яратиб берган АЁҚШ раҳбарлари айбдор. Энг ёрмон, бундай хатти-ҳаракатлар бора-бора порохўрлик, таъмағирликнинг "гуллаб-яшнаши"га хизмат қилмайди, деб ҳеч ким қаролат беролмайди. Ҳолбуки, "пистолет"чиларнинг аксарияти ёшлар, улар орасида талабалар, эртага олий маълумотли бўлиш умидида вақтинча ишлаб юрганлар ҳам бор. Тақдир тақозоси билан бир кун келиб улар орасидан кимдир шифокор, судья, кимдир мураббий ёки солиқчи бўлар. "Ўрганган кўнгли ўртанса қўймас" деганларидек, бир пайтлар "заправка"да ишлаган шифокорга қўл ҳақи бермангиз, оғир аҳволдаги беморни даволамаса нима бўлади? Таъмағирликка ўрганган судьянинг "одилонга" қарори билан беғуноҳ фуқаро қамалиб кетса, бола-чақаси қирқираб қолмайди? Мураббий эса ҳар бир имтиҳонига фалон пул деб нарх белгилаб олса, эртага у таълим берган ёш мутахассис-жамият учун катта зарар келтирмайдими? Солиқчи фақат чўнтагини ўйласа, давлат бюджетига қаердан пул тушади?

Ана энди юқоридида таъкидлаганимиздек, кўпчилигимиз ўйлаган "арзиманган, майда масала"нинг эртага қандай оқибатларга олиб келиши-ю иқтисодий-маънавий зарарини ҳисоб-китоб қилаверинг. Чунки шу пайтгача бундай хатти-ҳаракатларни кўрсак-да, "ўзбекчилик"ка бориб: "қўй-э, унинг ҳам бола-чақаси бордир, тирикчилик қилаёпти, тўрт-беш сўм билан ҳеч ким бой ёки камбағал бўлиб қолмайди" деб вақтида курашмадик, эътиборсиз бўлдик, аширдик. Натижасини эса кўриб турибмиз. "Коррупция", "порахўрлик", "таниш-билишчилик", "таъмағирлик" шунчалик илдириб кетдики, бугун бундай иллатларга қарши қанчалик курашмайлик ҳамон дунё миқёсида 100-ўриндан пастга тушолмаямиз — кутилишимиз жуда-жуда қийин кечмоқда...

**Равшан МАҲМУДОВ,**  
журналист

**Она тилини ривожлантириш ҳар бир халқ мустақиллигининг, миллат маънавий ўз-лигининг дастлабки шартларидан биридир. Чунки тил халқнинг, миллатнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассамлаштиради, ажодлардан авлодларга ўтишини таъминлайди.**

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: АЛЖИРАШ?!

ёхуд Атамашунослик қўмитасини тиклаш мавриди келмадимми?



Ўзбек тилининг шаклланиш тараққиёти узоқ ўтмишга бориб тақалади. Хусусан, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асаридаги қайдлар ўзбек тилининг тарихий тараққиётига доир муҳим маълумотлар сифатида аҳамиятлидир.

Бугунги кунда "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да 80 мингдан зиёд сўз мавжуд. Изоҳли луғатда соф туркий сўзлардан кўра бошқа тиллардан кириб келган сўзлар кўпроқ қисмини ташкил қилади. Улар орасида арабча, форсча, асл келиб чиқиши рус, француз, инглиз, испан ва лотин тилидан ўзлашган сўзлар изоҳини учратамиз. Она тилимиз ички имкониятлар орқали ҳам бойитилган. Шу боис соф туркий истеъмолдаги сўзлар 80 минг эмаслиги аниқ.

Тил инсоннинг ўзлик идрокини ташкил этади. Ўзлик идроки эса одам боласининг бу ёруғ оламдаги ҳақ-ҳуқуқи, қадр қиммати, ўрин-аъмолини тўлиқ англашидан иборат. XX асрда ташкил топган "Чигатои гурунги" ташкилоти тилимиз софлигини сақлаш муаммосини асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган эди. Аммо улар орқали истеъмолдаги турк тилидаги сўзлар ҳам кириб кела бошлади. Биз форсча "озод", арабча "мустақиллик" каби маънодош сўзларни кўп қўлаймиз. Чўлпон ана шундай сўзлар ўрнига соф туркийча "қўк" сўзини қўлаган экан. "Қўк" сўзи эса ҳозир истеъмолда эмас, ҳатто кўпчилик бу сўзнинг худди шундай маъноси борлигини ёки бўлганлигини билмайди ҳам.

Истиклол даврида эски мафкура хизматидаги атамалар истеъмолдан чиқди. Бир қатор янги сўзлар тилимиз имкониятлари асосида ясалди, қанчадан-қанча эскирган деб ҳисобланган сўзлар фаол истеъмолга олиб кирилди. Турли фан соҳаларига тегишли минглаб терминлар шиддат билан кириб келмоқдаки, бунинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда санбий оқибатлари ҳам йўқ эмас. Мустақилликнинг дастлабки даврида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атамашунослик қўмитаси тузилган ва унинг биринчи раҳбари этиб таниқли ёзувчи Одил Ёқубов сайланган эди. Бу қўмита тилимизга чет тиллардан кириб келаётган термин ва атамаларни назорат қилар, сўз маънолари устида иш олиб борарди. Ана шу қўмита негизини кейинчалик тарқатиб юборилди. Назаримизда, ана шундай ташкилотга бугун ҳам эҳтиёж бор.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида дунёнинг баъзи халқлари ўз она тилидан мусову бўлиб, тарихи ва келажагидан узилиб қолаётгани кўпчиликка маълум. Қайси халқнинг тили таназзулга юз тутса, ўша халқнинг инқирози муқаррардир. Шунинг учун ўз қадрини билган миллат она тилини ўзини асрагандай асрайди, унинг тараққиёти, тақдири учун муттасил курашади.

Она тилимиз — ориимиз, гуруримиз. Уни йўқотсак, қиёфамизни ҳам бой берамиз, яшадан чекинамиз. Тилимизни асраш, ривожлантириш — миллатнинг юксалиши демек. "Оммавий маданият" худди терминлардек дид, эътиқод, тасаввур ва тафаккурни емиришга уринаётган бир пайтда она тилимизга бефарқ қараш ўз илдиимизга болта уриш билан тенг. Бунга ҳар биримиз хушёрлик, огоҳлик билан қарашимиз даркор. Чунки огоҳлик, сезгирлик ҳамма соҳада, ҳар доим керак. Аммо... Айни пайтда нутқимизга бир қанча жаргон сўзлар кириб келаётгани, бундай ҳодиса, айниқса, ёшларимиз орасида кенг қулоч ёяётгани ачинарлидир. Албатта, чет тилдан бохабар бўлиш ёки уни билиш яхши, аммо ҳуда-беҳуда бошқа тиллардаги сўзларни нутқимизга татбиқ этиш, аралаш-қуралаш гапириш маъқул эмас.

Туб сўзларимиз бўла туриб, уларнинг ўрнига чет атамалардан фойдаланишимиз, ўзимизга осон қилиш учун сўзнинг ярмини ютиш, исмлар, жой номларини таниб бўлмас даражада қисқартириш, халқ тафаккурининг беқийс маҳсули бўлган мақола маталларни ўз билганимизча ўзгартириб олавериб тилга беҳурматликдан бошқа нарса эмас. Ёки ёшларимизнинг ўз нутқида билиб-билмай ёки ҳуда-беҳуда "окей", "гудбай", "сорри", "привет", "пака", "зато", "потамушта", "междупрочем"... (бу

сўзларни ўша тиллар қондасида эмас, нутқда қандай эшитилса шундай ёзишни мувофиқ билдик) каби инглиз-рус сўзларни қўлашининг сабаби нима? Минг афсус, ёшларимизнинг аксарияти бу иллатни "замонавий маданият" тариқасида қабул қилапти. Бошқа тилдан уч-тўртта сўзни қўшиб гапириш ўша тилни билади деганими ёки у бугунги куннинг "маданиятли қаҳрамони"ми? Албатта, бунда биз катталарнинг ҳам ҳиссаси бор. Ёш авлод онг шуурини она тилга хурмат ва эҳтиром туйғуларини кучайтириш, уларда гўзал сўз сезгисини тарбиялаш гоат муҳим ва ўта масъулиятли вазифадир. Бу фарзандларимизда миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришнинг асосий омилларидан биридир.

Келинг, муаммонинг яна бир сабабини атрофимиздан излаб кўрайлик. Бугунги кунда шаҳарларимиздаги афшлар, эълонлар, ресторан номлари, умуман, маиший хизмат кўрсатиш жойларида номлар рус, инглиз ёки турк тилларида ҳам ёзиб қўйилган. Ачинарлиси шундаки, Ўзбекистонда яшаб туриб, ўзимизнинг миллий тилимиз бўлса ҳам ўзбекча номларни кўчаларда ҳам учратаямиз. Нега бу каби ҳолатларга қатъий чоралар қўрилмапти? Бот-бот тилга олинади-ю, аммо натижа йўқ.

Ҳар йили октябрь ойида ҳаммамиз она тилимиз қайғуси билан яшаб қоламиз. Аслида она тилимизнинг обрў-эътибори учун ҳар куни, ҳар лаҳза курашшимиз керак. Давлат тилининг ҳаётимиздаги маънеини мустаҳкамлашда майда масаланинг ўзи йўқ. Чунки бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг қонуни бор.

Қолаверса, "ҳар баҳорда шу бўлар тақорор" деганларидек, йилда бир маротаба (!) октябрда оммавий ахборот воситаларида бу борадаги камчилик ва нуқсонлар айтилади. Аммо унинг ижросига келганда кўнгли тўлади, дейиш қийин. Айтايлик, янги фаолият бошлаган кўлаб таомихонаю дўконлар пешанасидаги "Мы открылись" деган ажабтовур эълонлар ҳақида бир неча йилдан бери айтилади. Бироқ деяри ҳеч нима ўзгаргани йўқ. Ёки бўлмаса, биргина Бухоро шаҳрининг кўчаларида "Голубые купола", "Султан", "Икея", "Ателье", "Тикув цехи", "Хозтовар", "Одежда и обувь", "Парфюмерия" каби ёзувларни кўрасиз ва ранжийсиз. Ваҳоланки, бу номларнинг ўзбекча муқобили бор. Масалан, улар ўрнига тикувхона, атторлик ёки хўжалик буюмлари дўкони, ресторанларга эса "Мовий гумбаз" каби жанангдор ўзбекча номларни қўйса бўлади-ку?!

Бу билан, албатта, компьютер, сканер, принтер, аэропорт, самолёт, поезд каби халқаро истеъмолдаги, жаҳон халқлари кенг қўллаётган сўзлар ўрнига "ҳисобловчи инсон", "оташ арава", "нусхаловчи" каби нутқ учун ўнғайсиз таржималарнинг қўлланиши тарафдори эмасман. Бироқ миллий тилимизга бепасанд муносабатда бўлишимиз ҳам яхшилик аломати эмас.

Нуроний боболаримиз ҳар бир сўзни ишлатишда ниҳоятда эътиборли бўлганлар. Ҳатто энг ёмон қарғишларида ҳам "бўйинг ўсгур", "орқамда қолгур", "еганинг доим эт бўлсин" каби сўзлар билан чекланишган. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки тил — маданиятимиз кўзгуси, ўзбеклигимиз, миллийлигимизнинг бир белгиси, нишонаси. Она тилимиз тақдирига, унинг келажақ авлодларга соф ҳолда етиб боришига ҳар биримиз масъулмиз. Модомики шундай экан, ўзлгимизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланаши керак. Зотан, ажодлардан мерос муқаддас булоқлардан сув ичиб, томир ёзган авлодларни ҳеч қандай куч енга олмайди.

**Атоулла АҲМЕДОВ,**  
Бухоро давлат университетининг  
тилшунослик кафедраси  
ўқитувчиси, филология  
фанлари номзоди,  
Рухсора ИМОМОВА,  
Бухоро давлат университети  
талабаси

## ФОТОАЙБОМА

**Мўйи муборак археологик ёдгорлиги Фаргона вилояти Ўзбекистон туманидаги "Қора тепа" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Қора тепа қишлоғида жойлашган. Тепалик милоддан аввалги VIII-VII асрларга тааллуқли. Тепаликда битта қадимий мақбара мавжуд бўлиб, айти пайтда жуда таъмирталаб ҳолатда. Мазкур маданий мерос объектини сақлаб қолиш ва келажақ авлодларга етказишда тегишли мутасаддилар зарур чораларни кўриши, мақсадга мувофиқ бўларди.**



Миллий хунармандчилик

ГИЛАМДЎЗЛИК — МОМОМЕРОС АНЪАНА

Гиламдўзлик халқ амалий санъатининг энг ноёб ва бетакрор тури саналади. Тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган бу хунар кўп асрлик анъана сифатида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. ЎЗМТДП Марказий кенгаши ташаббуси билан партиянинг Қашқадарё вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари томонидан вилоятнинг турли ҳудуди ва узоқ қишлоқларидаги хонадонларда бўлиб, энг қадимги гиламлар, уларнинг тўқилиши, ўзига хос тарихи яқиндан ўрганилди.



Қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти билан ном қозонган Қашқадарёда гиламдўзликнинг бир неча тури, йўналиши ва услублари бор. Хусусан, Миришкор тумани Жейнов қишлоғида гиламнинг жехизи, ой, бозори, ишти, харам ва яғлови каби номлар билан аталувчи турлари сақланиб қолинган. Улар ўзининг мустақам ва бежирим, турфа нақшларга бойлиги билан эътиборни тортади. Мазкур гиламларни тўқиш ишларини қайта тиклаш учун айни пайтда Жейнов маданият уйида "устоз-шогирд" анъанаси йўлга қўйилган.

Гиламчилик Касби туманида ҳам азалдан раванак топган. Жези, араби, боғдоди ва оёқи каби гиламларни моҳир гиламдўзлар бугунги кунда ҳам тўқиб келмоқда. Туманининг Қамаш қишлоғида Сурайё Фуломалиева ва Йидиди момо Примова болаликдан бу хунарга қизиққанидан унинг сир-асрорларини пухта эгаллаган.

— Гилам тўқиш — бир санъат, — дейди Йидиди момо. — Мен ана шу санъат билан бирга улғайдим. Мана, бугунги кунда шу хунар ортдан рўзгор тебратаяман. Шукрки, ҳеч кимдан кам эмасман. 6-7 кунда уч киши битта гилам тўқиб эл-юрт қорига яраб келаятир деган хурсандман.

Қамаш туманида ҳам гиламчилик момомерос касб сифатида улғулниб келинади. Қадимдан мавжуд ғожари, терма, чумчуққўз, арча, шох-гилам, кўчқоршоҳ, дастагиллам, шойгилам, қаттиқ, қоқма, қурбақа, қор парчаси, жулхур каби гилам турлари ўзининг бетакрор ва ўзал нақшларга бойлиги билан ажралиб туради.

Тарихи, асосан, XVIII-XIX асрларга бориб тақалувчи бу гиламларни тўқиш бугунги кунда ҳам урфдан қолмаган. Ғожари гиламининг нақши тўғри тўртбурчак шаклида тўқилади. Унинг асосий ранги — қизғишранг. Геометрик шаклдаги нақшлари сариқ ва қулранг бўлади. Бу нақшлар чизиқлар қаторини ташкил этади. Атрофи жияк билан ҳошияланади.

Кўчқоршоҳ нақши гиламлар Қамаш туман хунармандчилигининг ўзига хос "бренд"ига айланган десам муболага қилмайман, — дейди қамашчилик моҳир гиламдўз Мастура Жабборова. — Бу нақшлардан нафақат гиламчилик, балки каштачилик, миллий либос тикишда ҳам кенг фойдаланилади. Кўчқоршоҳ нақши намунадаги хунармандчилик махсулотларимиз бугунги кунда ҳам маҳаллий, ҳам жаҳон бозорида хариддоргир.

Яккабўғ гиламчилик мактаби ҳам ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Бу ерлик гиламдўзлар тўқийдиган тароқи, қоқма, атлас бўғма, араби, зулварак ҳамда диг-дига каби номлар билан аталувчи гиламлар анча машҳур. Асосан, XIX-XX асрларга келиб тўқилган бу гиламлар ўзининг сифати ва ноёблигини сақлаб қолган. Улар орасида диг-дига гилами тўлиқ нақшлар билан тўқилган гиламлар боис бошқаларидан ажралиб туради. Ички томони геометрик ҳошиядор бўлиб, ташқариси эса турли рангдаги популар билан безатилади. Гиламнинг бу тури

кўнғирот эли каштачилари мактабига хос бўлиб, нақшлари чаён, тароқ, юлдуз ва пайкон (найза) учи шаклида бўлади.

Партия вилоят кенгаши фаоллари Муборак туманининг "Дўстлик" МФЙ ҳудудида яшовчи Гулсара Шерова хонадонда Қашқадарё гиламчилигига оид турли намуналарни учратди. Гулсара опа тўқиб келаятир кичик қоқма, катта қоқма, кочава ва аламалхал гиламлар ўзининг турли безаги, турфа нақш ва ишланмалари билан алоҳида ажралиб туради. Моҳир гиламдўз шогирдларига гиламчилик санъати тарихи, гилам тўқишда ишлатиладиган хомашёлар, асбоб-ускуналар, нақшларнинг бошланғич элементлари, гилам турлари ва мазкур касбнинг барча сир-сноатини ўргатиб келаятир Муборак туманида ҳам ёш хунармандлар етишяётгани, маҳоратли гиламдўзлар сони кўпаяётганидан далолатдор.

— Гиламлар халқ хунармандчилигининг энг ноёб намунасидир, — дейди ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" етакчи мутахассиси Маъмура Қурбонова. — Партиямизнинг туман ва шаҳар кенгашлари мутахассислари билан биргаликда гиламдўзлар хонадониди бўлиб, энг қадимги гиламлар, уларнинг тарихи билан яқиндан танишганимиз ва бу борадаги кўпгина маълумотларга эга бўлганимиз айни муддао бўлди. Партиямизнинг гиламчилик музейини ташкил этишдаги эзгу ташаббусида биз қашқадарёликлар ҳам озми-кўпми ҳиссамизни қўшсак, бундан жуда хурсанд бўлардик.

Қашқадарё гиламчилик мактаби, шунингдек, Чироқчи, Шаҳрисабз, Китоб, Нишон ва Қарши гиламлари ўзининг ноёб тарихи ва бетакрор аҳамиятини ҳамон йўқотмай келмоқда. Айрим манбаларда VI-VII асрларда Қаршида тўқилган гиламларнинг Хитой бозорларида ҳам сотилгани ҳақида маълумотлар учрайди.

Асосан, аёллар машғулот саналган гиламдўзлик неча асрлар ўтса ҳамки, замон билан ҳамнафас руҳда шаклланиб келмоқда. Зеро, хунармандликнинг кенг тарқалган тури — гиламдўзлик анъаналарини сақлаб қолиш, ривожлантириш, уни авлоддан-авлодга бус-бутун етказиш, соҳани кенг тарғиб қилиш ва янада кенгайтириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, журналист

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда сўнги йилларда бошқа соҳалар қаторида ички ишлар идоралари, хусусан, жазони ижро этиш тизими кенг ислоҳ қилинмоқда. Билиб-билмай жиноят содир этган шахсларни тарбиялаш, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг жамиятга ҳар томонлама соғлом инсон бўлиб қайтиши учун шарт-шароит яратиш устувор вазифалардан бирига айланди. Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликлари давлат манфаатларидан устун қўйилмоқда. Бу, айниқса, жазони ижро этиш тизимининг замон талаблари ҳамда инсон манфаатларига мос равишда такомиллашяётганида яққол намоён бўлаётир.

ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ — ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШДА ЯНГИ ИНСТИТУТ

Президентимизнинг 2018 йил 7 ноябрда қабул қилинган "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ана шу йўналишдаги ислохотларнинг мантикий давоми сифатида муҳим воқелик бўлди, дейиш мумкин.

Маълумки, мамлакатимизда жинойи жазолар босқичма-босқич либераллаштирилмоқда, жиноят содир этган шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда жазо ўтатиши таъминлаш мақсадида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар доираси йил сайин кенгайтирилади. Мазкур қарор ҳам айни шу мақсадда қабул қилинган бўлиб, у, энг аввало, жазони ижро этиш тизимидаги маъжуд бўшлиқларни тўлдиряишга хизмат қилди.

Ушбу қарорга мувофиқ 2019 йилнинг 1 январидан Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузурида янги тизим, яъни Пробация хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди.

Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси негизиди озодликдан маҳрум этиш тизими боғлиқ бўлмаган жазолар ижро этилиши н назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Жазони ижро этиш бош бошқармаси таркибига ўтказилди ва унинг таркибиди Пробация хизмати ташкил қилинди. бундай тизимни татбиқ этишдан олдин Латвия, Япония, Қозоғистон каби хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ўрганилди.

Пробация сўзи инглиз тилида probation — "синов" деган маънони англатади. Пробация — шартли ҳукм қилишнинг ўзига хос тури сифатида бугунги кунда Буюк Британия, АҚШ ва бошқа бир қатор давлатларда кенг амал қилмоқда. Ўрганишлар жараёнида мазкур соҳада бизда бир қанча камчилик ва бўшлиқлар мавжудлиги маълум бўлди.

Пробация хизмати жорий этилиши натижасида ходимлар сони оширилади, унга психологлар ҳам жалб қилинади. Жиноят содир этган шахслар ахлоқий тарбия, қайта ижтимоийлашув жараёнига тўлиқ жалб этилади, қамраб олинади, уларга сифатли тарзда хизмат кўрсатилишига имкон яратилади.

Шу пайтгача озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижро этилишини назорат қилиш инспекциясининг бир нафар ходими назорати остига қанча шахс бириктирилиши борасида аниқ миқдор кўрсатилмаган эди. Шу боис бир ходимнинг 150-200 нафаргача маҳрум билан ишлашига тўғри келарди. Бу эса улар билан олиб бориладиган тарбиявий профилактик тадбирлар самарадорлиги ва таъсирчанлигига таъсир этмай қолмасди.

Эндиликда Пробация хизмати-нинг туман, шаҳар бўлинмалари шахсий таркиби ва улар зиммасига юклатилган вазифалар аниқ белгилаб қўйилди. Унга мувофиқ шаҳарларда бир ходимга 100, туманларда

эса 75 нафар назоратдаги шахс бириктирилди.

Пробация хизмати ходимларига ушбу хизмат ҳисобида турган шартли ҳукм қилинганларнинг шахсини ўрганиш, ижтимоий-психологик портретини тузиш, жамиятга осон мослашувини таъминлаш, касбга йўналтириш, қайта жиноят содир этишининг олдини олиш, уларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атвори-рини, инсонга, меҳнат, ижтимоий ҳурмуш қоидалари ва анъаналарга ҳурмат муносабатини шакллантириш каби вазифалар юклатилган. Президент қарориди ушбу вазифаларни фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик, маҳалла фаоллари, қолаверса, мутахассис-психологлар билан узвий ҳамкорликда олиб бориш аниқ белгилаб берилган.

Пробация хизмати ходимларига хизмат вазифаларидан ташқари ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ваколати ҳам берилган. Улар шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан назоратни амалга оширади. Бу эса соҳа ходимлари томонидан нафақат жазо ижросини назорат қилиш, балки улар билан доимий равишда тарбиявий профилактик тадбирлар олиб бориш имконини беради.

Президент қарорига мувофиқ Ички ишлар вазирлигиди ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан келиб тушадиган ушланмаларнинг 50 фоизи ҳисобидан олдин Латвия, Япония, Қозоғистон каби хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ўрганилди. Бундай жамғарма шу пайтга қадар мавжуд эмас эди. Чунки суд ҳукмига асосан ахлоқ тузатиш ишларидаги ҳукм этилган шахслардан ундириладиган маблағ тўлиқ давлат ҳисобига ўтказиларди.

Пробация бўлинмалари айни пайтда ижтимоий, педагогика ва профилактика соҳасида иш таърибасига эга бўлган офицерлар таркибиди малакали ходимлар билан тўлдирилмоқда.

Бундан ташқари катта амалий иш таърибасига эга бўлган ва ички ишлар органларидан обрў-этибор билан нафақат чиққан пенсияонерлар, пенсияси тўлиқ миқдорда тўланган ҳолда, аттестация асосида пробация бўлинмаларида хизмат қилиши мумкин.

Пробация бўлинмалари шартнома асосида мутахассис-психологлар жалб этилапти, улар учун зарур услубий қўлланма ва техника воситалари билан жиҳозланган алоҳида хона, тренинг ўтказиш заллари ташкил этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Пробация хизматини ташкил этишдан асосий мақсад — жиноят содир этган шахсларга нисбатан узвий, давомиий ва яхлит тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, такрорий ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларнинг олдини олишдан иборат.

Муҳаммадали ИСМОИЛОВ, Ички ишлар вазирлиги ЖИЭББ ҳузуридаги Пробация хизмати бошлиғи, полковник

МММда

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ фаолиятга янги тизим ва ёндашувни талаб этмоқда

Ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхонаси, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк орқали ҳамда тўғридан-тўғри жисмоний ва юридик шахслардан 1 минг 745 мурожаат келиб тушган. Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки томонидан "Мурожаатлар билан ишлаш: янги тизим ва ёндашув" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида маълумот берилди. Унда банк мутасаддилари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Таъкидланганидек, банк тузилмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг мутлақо янги тизимига асос солингани, бу тизим "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши лозим" деган ғояга таъйин иш кўраётгани, унинг самаралари ҳақида айтиб ўтилди.

Кейинги пайтда "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки нафақат миқозларга намуна хизмат кўрсатмоқда, балки жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда мавжуд муаммоларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Келиб тушган мурожаатлар банкнинг тегишли таркибий тузилмалари ва филиалларининг масъул ходимлари томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, таҳлил қилинмоқда, — дейди "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ Юридик департаменти бошлиғи Эркин Отабоев. — Уларда кўтарилаётган масалаларнинг ечимини топиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилади. Банкда "Ишонч телефони" фаолияти йўлга қўйилган. Банк бошқаруви ва филиаллар раҳбарларининг фуқаролар учун шахсий ва сайёр қабуллари ташкил қилинмоқда. Таҳлилларга кўра, 217 мурожаат ижобий ҳал қилинган. 1 минг 389 мурожаатга тегишли тушунтиришлар берилган бўлиб, 27 мурожаат тааллуқлилиги бўйича тегишли идора ва ташкилотларга юборилган. 60 мурожаат амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ тугатилган бўлса, 15 мурожаат рад этилган.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Эркин ДОРИПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

## Хиёбон

## “МЕН РОЛЬ ЙИНОЛМАЙМАН, АКСИНЧА, УНДА ЯШАЙМАН...”

## &lt; Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Яратган образининг узоқ яшаб қолиши фақат истъодли актёрларгагина nasib этади. Ролнинг катта-кичиги эмас, аксинча, актёрнинг катта-кичиги бўлади, дейишади. Истеъдодли санъаткор кичик образни ҳам томошабиннинг эсида қоладиган даражада ярата олади. Тўти Юсупова ана шундай истеъдодли, маҳоратли, санъатга юрак-юрагидан ошуфта бўлган, бор меҳру муҳаббатини берган актриса.

Халқимизнинг меҳри-ю эътиборига сазовор бўлган устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова билан “Хиёбон” да бўлган суҳбатимиз миллий театр санъати, хусусан, соҳадаги ютуқ ва камчиликлар, ижодий изланишлар, саҳна маданияти, санъат аҳлининг халқимиз олдидаги масъулияти ҳамда актрисанинг ибратли ҳаёти йўли, умуман, ҳаёт кувончлари ва ташвишлари ҳақида бўлди.

— **Авалло, бугун юртимизда ижод аҳли учун яратилган имкониятлар, кино ва театр санъатини ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳақида суҳбатлашсак. Тажрибали, турли даврларни бошдан кечирган устоз санъаткор сифатида бугунги кунда қалбингиздан қандай туйғулар кечмоқда?**

— Ҳақиқатан ҳам бугун кино, театр санъатига, ижод аҳлини қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор берилляпти. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида миллий кино санъатини ривожлантириш, ёшларни миллий руҳда тарбиялашга қаратилган асарлар яратиш, ижодкор-зиёлиларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасида катта амалий ишлар қилиняпти.

Жойларда замонавий театр бинолари барпо этилди ва давом эттириляпти. Бир пайтлар театрларимиздаги шароит умуман бошқа эди. Масалан, ҳамма хотин-қиз актриса биттагина хонада ўтирарди. Ҳозир эса умуман бошқача — ҳар икки кишига битта хона, барча қулай шароит яратилган. Театрларимизнинг моддий-техник базаси яхшиланди. Санъат йўлида, умуман, қайси соҳада бўлса ҳам ёшларга ўзини кўрсатиши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган, эркинлик берилляпти. Бизнинг ёшлигимиздаги каби санъатни танлагани учун қаршиликлар йўқ.

Бир сўз билан айтганда, бугун нафақат санъат, балки ҳар бир соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилляпти. Бунинг учун миннатдоримиз. Юртимизда бўлаётган бу каби ўзгариш ва янгиланишлардан, албатта, фخرланиб, гурурланиб яшаймиз. Ёшларга ҳавас билан боқиб, мамлакатимизнинг эртаси бугундан ҳам буюк эканлигидан кўксимиз тоғдек кўтарилляди...

— **Болаликдаги хотираларингизни ёдга олсак. Адашмасан, болалигингиз Иккинчи жаҳон уруши даврларига тўғри келган...**

— Болалигим уруш йилларига тўғри келгани рост. Даҳшатли уруш нафаси ҳеч бир хонадонни четлаб ўтмади. Қишлоқларимизда эркак зоти кам қолган. Ҳамма забардаст йигиту эркакларни урушга олиб кетишган. Жумладан, отамни ҳам. Эсламан, куз пайти эди, отам урушга кетаётганида менимга вокзалга олиб чиқишган. Хайрлашаётган отам мени даст кўтариб, оғзимга туфлаб қўйди. Боламаганим, ҳеч нарса тушунмаганман. Кейин билсам, мени ичкимасин деб шундай қилган экан. Орадан вақт ўтиб, отамдан “қорахат” келганида, сўнги бор кўрганым шу бўлганини ҳис қилганман. Уруш пайти кимданир учбурчак шаклда хат келса, бутун қишлоқ хотин-қизлари аза очиб йиғлашарди. Кимдир эса ота-онаси ёки севган ёрига “соғ-саломатман”, дея бир энлиқина хат-хабар юборса, ҳамма учун байрам бўлиб кетарди — давра бўлиб чилдирма (чилдирмамаз лали эди) чалиб кўшиқ айташарди. Мен ҳам рақс тушиб, даврани киздирардим. Болалигимдан жуда шўх, шаддо, чайир, қўрқмас бўлганман. Табиатни севардим, ҳатто дарахтнинг учигача чиқиб кетган пайтларим бўлган (юзига майин табассум югуради — муаллиф).

Вокзалга чиққанымизда отам “бу кизимни ўқитгин, бундан бир нарса чиқади, эҳҳи ўткир”, деб онамга васият қилган экан. Ҳақиқатан ҳам эҳҳим ўткир эди, уйга келиб деярли дарс қилмасдим, чунки устозимдан эшитганим қулоғимда қоларди. Бир йилда иккита синфни битирганман. Қишлоқ мактабда 7-синфгача ўқитиларди, юқори синф бошқа қишлоқдаги мактабда давом эттирилган. Шу боис бобом мени Самарқанд шаҳридаги қизлар билим юртига ўқишга бергани ҳали-ҳануз кўз олдимда туради.

Ёшлигимдан буюм, онам тарбияни мустаҳкам қилишга эътибор қаратиб, қиз бола эҳтиёткор бўлиши, эркак кишининг юзига тик қарамаслиги ҳақида ўқитарди. Ҳатто ҳалигача бозорга борганимда бирор марта эркак сотувчидан савдо қилмаганман. Ёшлиқда олган билим, тарбия тошга ўйилган нақш сингари. Шу каби ёшлиқда қулоғимизга қуйилган тарбия умрим давомида ҳаётим маъно-мазмунини белгилади.

## — Санъатга бўлган меҳрингиз қачондан пайдо бўлган?

— Инсон умрида нимагадир, кимгадир ошину шайдо, у учун ҳатто жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлади. Мен театрга шайдо бўлганман, меҳр кўйганман. Театрни бир марта кўриб ҳамма нарсадан, ҳатто ўқишдан ҳам воз кечганман. Учунчи курсдан кейин билим юртини тарки дунё қилиб кетдим. Бу 1949 йилда бўлганди, чамаси.

Самарқанд шаҳридаги истироҳат боғининг ичида театр бўларди. Шу ерда ўтиргичда ўтириб, театрга кирган-чиққан ҳаммани, у актёр бўладими, қоровул ё фаррош бўладими, ҳавас билан кузатиб турардим. Ўша пайтда театр режиссёри Асрор Жўраев ҳар доим ўтиргичимни кўриб, “шу қизни ҳар кун шу ерда кўраман, олиб киришлар-чи”, дебди. Шу билан мени театрга олиб киришган. У киши “ҳар кун бу ерда нима қиласан”, деб сўраган. “Театрни яхши кўраман. Бу ердан чиққанларни томоша қиламан”, десам, “артист бўлмоқчимсан, қўлингдан нима келади?”, деб яна савол берган. Шунда рақс тушимин, ашула, лапарлар айта олишимни айтдим. Кейин ижро қилишимни сўради. Тамарахонимнинг ашуласи бўларди:

Сув келар тош устидан, ху,  
Телпагим қош устидо ё...

Шуни айтдим. Оғзимда мусиқа чалиб, рақс тушиб берганман: “Лайлум, лалалум, лайлум, лайлум...” Шу билан 50 сўм ойлик билан театрга ишга олинганман. Оммавий концертларга, туманларга чиқарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир гал Пастернакнинг концертимизда саҳнага 17 марта чиқишга тўғри келган. 16–17 ёшлардаги қизман, чарчаш нималигини билмаганман, мени эълон қилишаверган, чиқаверганман. Бу воқеанинг эсимдан чиқмагани шундаки, артистлар мени “ёб қўйишган”, “бизнинг кўшимизни айтдинг, энди биз нима айтамыз?” деб. Ана шунча воқеалар билан санъатга кириб келганман.

— **Санъатни танлаганингиз учун оилангиз, қариндош-уруғларингиз қаттиқ қаршилик кўрсатган, деб эшитганимиз...**

— Эҳ-ҳе, нимасини айтасиз, бу қаршиликларнинг ортидан кўп унутилмас воқеалар бўлган. Уқишдан бутунлай кетдим. Табиийки, ётоқхонадан ҳам. Ҳар жойга бориб қўйганман. Кейин 50 сўмга квартира топилди. Жуда кўп инчиликчилик, азиятлар бошдан ўтди. Устозим Тошхўжа Хўжаев Тошкентга келиб, санъат соҳасида ўрнимни топимизга ердан берган. Тошкентга келишдан олдин оқ фотиха олиш учун устозим билан бирга бувамининг олдига борганмиз. Устозимга “ўқитувчиликка ўқишга кирмоқчи, деб айтинг, артистликка ўқимоқчи эканлигимни билмасин”, деганман. Тўғри тушуниб, “қизингиз қобилиятли, ундан яхши ўқитувчи чиқади”, деб Тошкентга келишимизга бувамини кўндирган. Оиламиз аъзолари санъатни танлаганимни билиб, бу йўлдан қайтаришга уринишган. Ҳатто баъзи бир қишлоқдошларим мени ўлдирмоқчи бўлгани ҳам бор гап. Самарқандга спектакль кўйиш учун келганимизда, томоша тугагандан кейин қариндошларим “юр, сени уйга олиб кетамиз”, дерди. Аслида уларнинг нияти қишлоқдаги машина юрмайдиган бурилиш кўчадаги жарликка итариб юбориш бўлган экан. Бир бошга бир ўлим деганман, қарши бўлганларга. “Ўлсам ўламан, лекин санъаткор бўламан” деб қаттиқ турганман. Вақт ўтиб, ҳаммаси жойига тушди.

— **Сизга ўзбек санъатининг кўплаб даргалари билан бирга ёнма-ён ишлаш, улардан нималарнидир ўрганаш насиб қилган. Санъат йўлидаги устозларингиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Устозлардан омадим чопган. Тошхўжа Хўжаев, Шукур Бурхоннов, Зайнаб Садриева, Сора Эшонтураева, Олим Хўжаев, Ирода Алиева... Бундай буюк санъат фидойиларининг номини яна давом эттиравериш мумкин. Ҳақиқатан ҳам улардан жуда кўп нарсаларни ўрганганмиз. Устозим Тошхўжа Хўжаев бир кун иенига қақриб “театр — улуг даргоҳ. Шу ерда ишлар экансан, бор истеъдодингни юзага чиқар. Шуни билгинки, санъат фидойиликни талаб қилади. Бу йўлга тушингини, бутун умрингни, куч-қувватингни сарфлашинг, жон-жаҳдинг билан халққа хизмат қилишинг лозим. Акс ҳолда эл назаридан қолиб кетишинг ҳеч гап эмас”, деган эди. Устозимнинг бу каби ўғитлари доим ёдимда.

Устозларимиз санъатга жуда фидойи эди. Шунданми, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан ҳам нимадир олардик. Масалан, саҳнага чиқиш олдида устозларимизга дуч келиб салом берсак, қўллари билан “жим” ишорасини қиларди. Кейин англасак, улар ўша лаҳзалардаёқ образдан, ҳолатдан чиқмаслиги сабоғини ҳам ўргатган экан.

## — Санъатнинг нони қаттиқ, дейишади. Ростдан ҳам қаттиқми ёки унга ўткир тиш бўлса, кифоями?

— Санъатни чидаганга чиқарган. Санъаткор ҳар доим юрагидан ҳис қилиши керак. Ролни бутун борлигим билан ижро этаман. Чунки санъат фидойиликни талаб қилади. Ҳақиқий санъаткор унинг пулига ҳам, меҳнатига ҳам қарамайди. Фалончи 8 соат ишлайди, мен 12 соат ишлайман, деган гаплар санъаткорга ярашмайди. Ҳозирги ёшлар фақат ишлаши керак. Санъаткорда тўлқинланиш, қалбида нотинчлик бўлмаса, саҳнага чиқиши керакмас.

“Қотил” спектаклида кичик эпизодни — она ролини ўйнаганман. Ночор онанинг психологик ҳолатини кўрсатиб беролганим учун шу роль ўзимга қолиб кетди. Боиси икки киши алмашиб ўйнардик, аммо режиссёр директорга кириб “бу ролни энди Тўтидан бошқаси ўйнамасин”, деган. 1965 йилда “Ўлимдан кучли” спектаклида 2 болали 30 ёшли аёл ролини ўйнаганман. Жуда кучли сценарий эди, монологим ўта таъсири қилган, маҳоратли ижромим учун ҳар гал томошабин тўлқинланиб олқишларди. Мазкур асардаги она ролим билан халққа танилдим. Шундан кейин “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвони билан тақдирланганман. Устоз Шукур Бурхоннов билан бир неча спектаклда бирга роль ижро этганмиз. У киши “Тўтининг юраги отнинг калласидан ҳам катта”, дерди. Устоз санъаткорнинг бу сўзлари мен учун юксак баҳо эди.

— **Ҳозир айрим актёрларда самимийлик етишмайди, назаримизда. Бизда эса, аксинча. Бунинг сирини нимада?**

— Ички дунёингиз гўзал бўлса, бу юзингизда акс этади. Ҳаётда ёлғон, ҳасадни ёмон кўраман. Уйдаги устозларим — буюм, онам, оилавий муҳит бизни покликка, ҳалолликка, ростўйликка, борини борлигича рўёбга чиқаришга ўргатган. Одамларни хурсанд қолдирган ҳолдан ҳам қувонаман. Ҳаётда бирор инсон билан тортишган, уришган, гап талашган инсон эмасман. Устозларим ўғитлари, улардан ўрганганим, ҳаётда кўрганларим, кузатганларим билан шаклландим. Ҳозир актёрлик ёшларимиз ўткир макияжга, ташқи гўзалликка эътибор қаратишади. Аммо бу алдамчи. Дейлик, бир театр томошасида гўзал бир аёл саҳнага чиқиб келса, ўтирган томошабинлар ўрнидан бир кўзгаллиб, “вой, буни гўзаллигини” деб юбориши, ҳайратланиши мумкин. Аммо бироз вақт ўтган, юрагининг ҳовури пасайиб, ўриндиққа бемалоол ўтиролади. Бунинг сабаби у аёлда истара, жозибга йўқлиги, ҳаммаси сунъий чирой эканлигидир. Муҳаббат кунда, чирой тўйда керак, деганларидек ёшлар табиий гўзаллигини сақлаши лозим. Айрим ёш қизларимизни кўриб айтгим келади: эҳ қизлар, ёшликнинг ўзи гўзал-ку, нима қиласизлар уни бузиб... Кексаликда эса имони бутун бўлса етарли. Чунки имонли инсон гуноҳни камроқ қилади. Назаримда, умрининг қайси даврида бўлмасин, инсоний фазилатлар, ички гўзаллик инсонни самимий ва гўзал қилиб кўрсатади.

— **Инсон бир қадам олдинга ташлаганда икки қадам орқага ташлаши керак, дейишади. Яъни босиб ўтган йўли, фаолиятини сарҳисоб қилиш, хулосалар яшаш маъносидо. Орқага қарганингизда нималарни ҳис қиласиз? Орзуларингизга эришдингизми?**

— Икки қадам орқага дегани, инсон шон-шўхратга эришганда ўзидан кетиб қолмасдан ўтган йўлини сарҳисоб қилиши керак: шунга лойиқманми, йўқми? Шон-шўхрат оғир нарса, уни кўтара оладиганлар бор, кўтаролмайдиганлар бор. Кеча санъат йўлига кириб, битта роль ўйнаб, машҳур бўлиб қолмади. Бунга йиллар давомида тома-тома йиғиб, эришляпти. Шукур Бурхоннов, Олим ака, Сора опа, Раззоқ Ҳамроевни буюк санъат фидойилари дейиш мумкин. Улар қанча қийинчиликларни енгиб ўтган, яхши-ёмон кунларни, ҳар хил воқеаларни бошидан ўтказган, ҳаттоки йўқчиликдан атала тайёрлаб ишган пайтлари бўлган — оч қолган, аммо сабр қилган.

— **Бугунги ёш санъаткорлардан кўнглингиз тўлмайди деган жихатлар бўладими?**

— Ҳар бир инсонни биргина суҳбатидан билиш мумкин: узоққа боради ёки ҳеч нарса чиқмайди. Лекин кўнгли оғримасин деб юзига айтмаймиз. Масалан, Лола Элтоевани Наманганда бир спектаклда роль ўйнаганини кўриб, унда нимадир борлигини, келажакда яхши санъаткор бўлишини сезганман. Шундан сўнг театр директорига шунча қиз бор, театрга монанд, бир кўрайлик, дедим. Шу сабаб бўлиб театрга келди, келиши билан “Лайли ва Мажнун” да Лайли ролини қойилмақом қилиб ўйнади. Салкам 20 йил

бўлаптики, ўзини кўрсатяпти. Шу вақт давомида “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонини олди. Лолани ҳақиқий шогирдим, дея оламан. Бир хил ёшлар борки, гапирганингизнинг фойдаси йўқ, “ҳа-ҳа” дейди, кетади. Гўёки еттинчи осмонда учиб юришади. Лекин вақти келганда кеч бўлади. Арқонни узун ташлаш керак, бугун билан эмас, эрта билан яшаш керак.

— **Миллий кино ва сериаллардаги кўплаб ролларингиз билан халқимиз қалбидан жой олгансиз. Бугунги кино санъатимиз ҳақида нима дея оласиз?**

— Миллий кино санъатимизни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилётган айни пайтда бор имкониятдан самарали фойдаланиш лозим. Истардимки, буюк бокалонларимиз ҳақида сериаллар, тарихий фильмлар ишласа, қанийди?! Ҳозир қайси телеканалга қўйсангиз, турк ёки корейс сериалини кўрасиз. Аслида санъатимиз, тарихимиз уллардан кам эмас, бутун дунёга мақтагулик буюк аждодларимиз бор...

— **Турмуш ўртоғингиз ҳам санъатга яқин инсон экан, у киши билан қандай танишгансиз? Бирга ўтган ҳаёт йўлингиз, оилангиз ҳақида...**

— Тошкентга келганимдан сўнг устозим Тошхўжа Хўжаев ганимларим кўплигини билгани учун уч йилгитни менга қараб юриши учун бириктириб қўйган. Концертларга, оммавий чиқишларга, овқатланишга ҳам доим бирга борардик. Курсдош эдик. Вақт ўтди, кейин уллардан — Мирғиёс Соатовга меҳрим, ишқим тушди. 4-курсда турмуш қурдик. Мана, 64 йилдирки биргамиз, ҳамма жойга бирга борамиз, доим ёнимда қўллаб туради.

Бош омон бўлса дўппи топилади, дейишади. Лекин дўппи топилгунча бу бошдан нелар ўтмади, дейсиз. Бугунги кунгача етиб келишимиз осун бўлмаган, қийинчиликлар ҳам, хурсандчиликлар ҳам бўлди. Бир қиз, икки ўғил ўстирдик. Аммо тақдир бизни фарзанд доғи билан синди — иккала ўғлим ҳам вафот этди. Иккинчи келиним 30 ёшида бева қолгани учун ўзимиз уни мажбурлаб турмушга узатдик. Аммо афсуски, у ҳам 34 ёшида хасталикдан вафот этди. Иккала ўғлимдан олти неваро қолди. Уларни вояга етказиш, йўлга қўйиш осон бўлмади. Буларни айтиш ҳам, бошдан кечириб ҳам осонмас. Мен чеккан азият ҳеч кимнинг бошига тушмасин... Бу оғир дардлар юракка санчилган тиг бўлди — юрагимда хасталик пайдо бўлди. Жарроҳлик амалиётини ўтказишга тўғри келди, аммо бу ердагилар ёшим катталғи боис кўтаролмаслигимдан кўрчишди. Кейин Ҳиндистонга борадиган бўлдик. Аммо очигини айтсам, операция учун бир тийин пул йўқ эди. Лекин меҳрибон халқимиздан миннатдорман, қисқа фурсат ичида пул ҳам йиғилди, виза ҳам тайёр бўлди — жарроҳлик амалиётини ўтказиб қайтдик.

Ўзим ҳар доим қулиб туради, одамларга ҳаммаша меҳр улашишга интиламан. Аммо ичим... Бир кам дунё экан, ноилж... Бугун ёшим 80дан ошган бўлса-да, сеvimли касбимда собитқадам бўлишга мадор топиб, кучим етганича элим, юртим хизматидаман.

Қисқа сатрларда: Тўти Юсупова 1936 йилда Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги Турман қишлоғида туғилган. У 200га яқин спектаклга, 100дан ортқ фильм, 500га яқин видеофильмда суратга тушган.

Тўти Юсупова 1970 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 1993 йилда “Ўзбекистон халқ артисти” унвонига сазовор бўлган, 2000 йилда “Эл-юрт ҳурмати”, 2014 йилда “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

“Milliy tiklanish” муҳбири Мухтарама КОМИЛОВА суҳбатлашди.

## Эълон!

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси 50000 донга ҳисоб картчаси, 30000 донга аъзолик гувоҳномаси ва 500 донга кундалик (еждневики) чоп этиш учун тендер эълон қилади.

Мурожаат учун телефон:  
71-239-45-77, 71-277-60-73

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши туман ва шаҳар кенгашлари учун 3 донга компьютер ва битта монитор сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Таклиф ва мурожаатлар эълон чоп этилганидан сўнг 10 кун мобайнида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30.  
Телефон: 71-239-27-46